

Фатҳий Салим

**Исломдаги иқтисод
низоми муқаддимасининг
сода шарҳи**

Бу китоб марҳум устоз Фатҳий Салимнинг қаламига мансуб

ИСЛОМДАГИ ИҚТИСОД НИЗОМИ МУҚАДДИМАСИНИНГ СОДДА ШАРҲИ

Иқтисод сўзининг истилоҳий маъноси: молиявий ишларни тадбир қилишдир. Молни кўпайтириш ва уни вужудга келтиришни таъминлаш билан тадбир қилинади. Бу тўғрида иқтисод илми (фани) баҳс юритади. Ёки уни тақсимлаш кайфияти билан тадбир қилинади. Бу борада иқтисодий низом баҳс юритади.

Ҳозирги асрда бу сўз кенгроқ маънода қўлланадиган бўлиб, барча жамиятлардаги инсон ҳаётининг кенг соҳаларини ўз ичига оладиган бўлди.

Капитализм мабдаси динни ҳаётдан ажратиш ақидасига асосланади. Ундаги энг кўзга кўринадиган нарса иқтисод ва капиталдир. Иқтисод кенгайганлиги боис иқтисодий ютуқлар ер юзига сигмай қолди. Нефт саноатидан тортиб истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, оддий ва ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган саноат корхоналаригача, банк сектори, молиявий ва тижорий биржалар, филиаллари бутун ер юзи бўйлаб тарқалган гигант ширкатларгача шундай ютуқлар билан тўлиб-тошди. Компьютер пайдо бўлиб аниқ ҳисоб-китоблар қилинадиган бўлди, интернет, спутникли алоқа ва бошқалар пайдо бўлди. Натижада одамлар бир-бири билан яшин тезлигида боғланадиган бўлишди.

Бугун олам турли-туман саноат маҳсулотлари, ҳисобсиз товарлар ва хизматлардан иборат улкан «тошқин» гирдобида яшамоқдаки, бу «тошқин» дунёдаги барча бозорларни ғарқ қилиб юборди. Айни вақтда миллионлаб одамлар оч-наҳор, ярим-яланғоч кун кечирмоқда. Минглаб одамларнинг бир ҳовуч кимсалардан бўлган қарзлари тоғдек уюлиб кетди. Бу қарзлар процентлари ва жадваллари «жазава»сини-ку айтмай қўя қолайлик. Бироқ булардан кўз юмилди.

Социализмнинг куни битди, унинг «қасри» қулади, давлатлари парчаланиб кетди, низомлари йўқ бўлди. Нотавон, ожиз кимсалар туйғуларини қитиқлаган, миллионлаб одамлар кўзлари қамашиб алданиб қолган бу «афсона»нинг нима эканлиги фош бўлди. Социализм инсонлар бошига тушган бир фалокат бўлди. У инсонлар қашшоқлигига барҳам беролмади, эҳтиёжларини қондиrolмади. Шундан кейин уни қулатишди.

Майдонда тенгсиз ҳаёт низоми сифатида Ислому қолди. Ўзининг рисолати, оламшумуллиги, ҳақ ақидаси, адолатли шариати, гўзал бошқаруви, аниқ фикр-қарашлари, инсон муаммоларини тубдан муолажа қилиб ҳал қилиб бериши билан юксак бўлган, ўзининг байроғи остига кирган ва ўз давлати бўлмиш Халифалик давлати паноҳида яшаган ҳар бир инсонга хотиржамлик ва фаровонлик бахш этиши билан юксак бўлган Ислому қолди.

Хўш бугун олам қандай яшамоқда? Капиталистик мабда корчалонлари кўплаб ишлаб чиқариб бозорларга чиқарган, оқибатда дўконлар, магазинлар, майдонлар, эшелон-эшелон вагонларга сиғмай кетган, тоғдек уюлиб кетган шунча маҳсулот, товарларга, шунча саноат ютуқларига, бу ҳақдаги капиталистик маълумотларга қарамай олам бугун қандай кун кечирмоқда?!

Бугун олам энг ёмон кунларни бошидан кечирмоқда, энг ёмон низом шароитида, динни ҳаётдан ажратиш ақидасига асосланган энг ёмон низом шароитида жуда ёмон яшамоқда. Бу низом «фарзанд»лари мана шундай тубан, ҳайвонларча яшашга йўл ҳозирлаган қоида ва асослар бўйича яшашмоқда. Бу қоида ва асослар тўрт эркинликдан иборат бўлиб, бу эркинликлар қуйидагилардир.

1. Эътиқод эркинлиги.
2. Сўз эркинлиги.
3. Мулк эркинлиги.
4. Шахс эркинлиги.

Улар воқеликни фикр юритишлари манбаси қилиб, манфаатни эса ишларнинг ўлчови қилиб олишди. Тўғрилиқ уларда кўпчиликка қараб белгиланадиган бўлди. Ҳокимиятни халқники қилиб қўйишди, миллатни ҳокимият манбасига айлантиришди. Одамларни ҳеч қачон барқарор бўлмайдиган, лиқиллаб турган, тутуриқсиз, юзаки, мўрт асосга таянишга мажбур қилишди. Ўртача ечимни ҳал қилувчи ечим, деб тиқиштиришди. Натижада қийматларнинг чеки-чегараси, идеалларнинг ўлчови бўлмаё қолди. Шундай қилиб демак кучли ўз кучи ва устунлиги билан қутурадиган, заиф нотавон эса хорлигича, мискинлигича қолиб кетадиган бўлди. Итлар мазали таомларни еяётган, уларга махсус даволовчи врачлар тайинланаётган, иссиқда салқинлашлари учун махсус бассейнлар қурилаётган бир пайтда очлиқдан териси суягига ёпишиб қолган миллионлаб инсонлар ҳаёт билан ўлим ўртасида жон таллашиб ётибди, кўчаларда йиқилиб қолмоқда. Бошқа миллионлаб одамларни эса зулм кўчага улоқтириб, муҳожирликка, сарсон-саргардонликка маҳкум қилди. Бу одамлар ўз ҳаётларини сақлаб қолиш учун уй-жойларини, диёрларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Бошқа миллионлаб одамлар эса териларининг ранги қора бўлгани учун поезд вагонларига чиқишдан, паркларга киришдан, университетларга киришдан ман қилиндилар.

Башариятни қийинчилик машаққат ва бахтсизликдан иборат мана шу чуқур жарлик ёқасига олиб келиб қўйган бу «бино» нима ўзи?! Бу бинонинг асослари нимадан иборат?! Уларнинг ҳаётга бўлган қарашлари қандай? Муаммолар, деганда улар нимани тушунишади? Бу муаммоларни қандай муолажа қилишади?

Капитализм мабдаси асосларини ўрганиб чиқишиб, динни ҳаётдан

ажратиш мафкураси уларда чуқур томир отиб, бу мафкурага имон келтиришгач ва унинг етакчилигига таслим бўлишгач ўзларидаги миллионлаб одамларнинг ақидаси бўлмиш насронийлик ақидасини бир ҳовуч дин арбоблари қўлига топшириб қўйишди, бу руҳий ақидани черковларнинг қоронғу йўлакларига қамаб қўйишди. Шундан кейин дунё ҳаётига бутунлай берилишди, ҳузур-ҳаловат, лаззатлар кетидан қувишди, мол-дунё ва жинсий лаззат ордидан елиб югуришди. Охират, деб аталмиш нарсани эса зеҳнларидан йироқлатишди.

Улардан кўплаб олимлар етишиб чиқди. Улар изланишлар, тадқиқотлар олиб боришди, маълумотлар тўплашди, ўз иқтисодий ҳаётлари учун структуравий режаларни ишлаб чиқа бошлашди.

Ўша иқтисодчиларнинг энг машҳурлари Адам Смит, Рикардо, Маршалл, Маркс, Мальтус ва бошқа кўплаб иқтисодчилардир. Улар бу инсонга унинг зоҳирий томони бўлмиш моддий жиҳатдангина ёндашишиб унинг эҳтиёжларини фақат моддий қийматни қўлга киритишдангина иборат, деб белгилашди. Инсон ҳаётининг бошқа жиҳатларини: руҳий, инсоний ва хулқий қийматларни эса эътиборсиз қолдиришди. Шундан сўнг ана шу эҳтиёжларни қондириш мавзусини фақат моддий нуқтаи назардан туриб ўрганиб чиқиб учта асосни ишлаб чиқишди. Ўз иқтисодларини шу уч асос бўйича йўналтиришди. Бу уч асос қуйидагилардир:

1. Нисбий тақчиллик: Яъни янги-янги, хилма-хил эҳтиёжларни қондириш учун чекланган миқдордаги товарлар ва хизматларнинг етишмаслиги.

2. Қиймат: Ишлаб чиқарилган нарсанинг қиймати. У иқтисодий изланишларнинг асоси бўлиб, энг кўп ўрганилади.

3. Нарх: Маҳсулот ишлаб чиқаришда, истеъмол қилиш ва тақсимлашда нархнинг роли. Нарх капиталистик иқтисодий низомда тамал тоши ҳисобланади.

Улар бу инсонни икки жиҳатдан: қондиришни талаб қиладиган эҳтиёжлар ва қондириш воситалари бўлмиш товар ва хизматлар жиҳатидан ўрганишиб «бу эҳтиёжлар фақат моддий эҳтиёжлардир» деган фикрни билдиришди. Улар бу эҳтиёжлар доирасини кенг, деб билишиб, уларни ҳатто чеки-чегараси йўқ, деб белгилашди, яъни эҳтиёжлар чекланмаган бўлиб, хилма-хили, янги-янгиси пайдо бўлиб туради, деган фикрни билдиришди.

Шундан сўнг: Қондириш воситалари бўлган товарлар ва хизматлар қанчалик кўп бўлмасин барибир чекланган. Демак чекланмаган эҳтиёжлар билан чекланган қондириш воситалари ўртасидаги жуда катта фарқ сақланиб қолаверади. Шунинг учун чекли миқдордаги воситалар чексиз эҳтиёжларни қондиришга етмайди, деган хулосага келишди. Улардаги иқтисодий муаммо мана шундан келиб чиқади.

КАПИТАЛИСТЛАР НАЗДИДА ИҚТИСОДИЙ МУАММО

Тақчиллик ҳодисаси:

Бу борада табиатнинг жавобгарлик даражаси: Уларнинг айтишича, бу ерда инсон билан уни қуршаб турган табиат ўртасида узлуксиз кураш боради. Улар «иқтисодий муаммо» деб аташадиган нарсанинг ечимини топиш учун шундай кураш боради. Аслида бу муаммо шахс ёки жамиятнинг чекланмаган эҳтиёжларини қондиришга уриниши оқибатида пайдо бўлади. Чунки – уларнинг фикрича – эҳтиёжлар инсон организми муҳофазаси учун зарур бўлган фитрий ёки бошқача айтганда физиологик эҳтиёжлар билангина чекланиб қолмайди. Аксинча бу эҳтиёжлар – инсон ўзи яшайдиган жамият ҳазорати ривожланиб бориши билан унинг янада кўпроқ ва хилма-хил товарларни истеъмол қилиш истагини эътиборга олинадиган бўлса – тобора ортиб боради. Шу даражада ортиб борадики, уларнинг чеки-чегарасини белгилашнинг иложи бўлмай қолади.

Шунинг учун – дейди улар – битта ҳақиқат тан олиними лозим. У ҳам бўлса тақчиллик ҳодисасидан фақат табиатгина жавобгар бўлмай балки бу ерда ҳисобга олмаса бўлмайдиган бошқа бир жиҳат ҳам бор. У башариятнинг табиат маҳсулдорлигини оширадиган кучларга ўз ҳукмини ўтказишда узлуксиз илдамлаб боришидан иборатдир. Мана шу нарса эҳтиёжларнинг янада ортишига ва хилма-хил бўлишига олиб келди. Буни мазкур тақчиллик ҳодисасининг доимий мавжудлигидан одамнинг табиати ҳам баб-баравар жавобгардир, деб айтиш ҳам мумкин. Улар яна бундай деб фикр билдиришади: Инсоний цивилизация (ҳазорат) босқичма-босқич ривожланиб боради. Бу эса бизга доим шуни кўрсатадики, илм-фаннинг ривожланиши нафақат имкониятдаги ресурслар ҳажмининг ошишига, балки шу ресурслардан иқтисодий жиҳатдан янада кўпроқ фойдаланиш имконини берган воситалар ва имкониятларга йўл топишга ҳам олиб келади. Шундан кейин эҳтиёжларни янада кўпроқ қондириш имкони туғилади. Бу эса эҳтиёжларнинг ошиб боришига ва чекланмаганлигига инсоннинг ўзи ҳам ҳисса қўшганини англатади. Чунки технологиялар янги-янги, кўплаб хизматлар ва товарларнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшади. Яъни инсоннинг истак-хоҳиши ўсиб борди, унинг олдида кўплаб эҳтиёжлар пайдо бўлди. Унинг қачонлардир оддийгина бўлган эҳтиёжлари ва истаклари ўсишида давом этиши натижасида шундай бўлди.

Масалан чорвачилик босқичида шахсга ўзининг чорвасини, фойдали ҳайвонларни ўтлатиши, боқиши учун кенг ер майдонлари, яйловлар керак бўлган эди. У ўзи ва оиласи учун тирикчилик сабабларини шу тариқа муҳайё қилар эди. Лекин деҳқончилик кашф этилиши билан шахслар ҳаёти учун зарур бўлган ер майдонлари

етишмай қолди. Кейинчалик ернинг анча кўп аҳолини боқа олиш имконияти ошди. Охири келиб саноат инқилобидан кейин шунча ер майдонининг қудрати ошиб янада кўпроқ аҳолини боқа оладиган, яхшироқ турмуш даражаси билан таъминлай оладиган бўлиб қолди.

Шундай қилиб – дейди улар – имкониятдаги моддий ва инсоний ресурслар миқдори ва хилма-хиллиги мавжуд технологияни билиш даражасига кўп боғлиқ эканини кўрамиз. Демак ресурслар миқдори ва хилма-хил бўлиши билим даражасидан айри ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Эҳтиёжлар:

Уларнинг ҳисоблашича эҳтиёжлар инсон истак-хоҳишларининг ифодасидир. Ресурслар эса унинг билимлари ва қудратининг акс этишидир. Шунинг учун – дейди улар – биз инсонни муаммонинг ҳар икки тарафида топамиз. Чунки инсон қондирувчи қудрат ва ресурсларга эга. Шу вақтнинг ўзида у бу қудрат ва ресурсларни ўзининг технологик билимлари ёрдамида ривожлантириш малакасига ҳам эга. Бунинг натижасида такомиллашган саноат товарлари ва хизматлар кўпайиб боради. Улар билан бирга инсоннинг қондиришни талаб қиладиган истаклари ва эҳтиёжлари ҳам ортиб боради. Демак иқтисодий муаммо инсон сабабли ва унинг ўзига пайдо бўлади ва катталашиб боради.

Эҳтиёж уларнинг наздида шахснинг бирор нарсага эга бўлиш майлини ҳис қилишидан пайдо бўладиган истак-хоҳишдир. Бу истак-майлни кучли ёки кучсиз бўлиши хоҳлаётган инсоннинг назарида ана шу нарсанинг қанчалик аҳамиятли эканига қараб турлича бўлади.

Уларнинг фикрича, эҳтиёж ёки истак-хоҳишлар шу даражада кўп ва хилма-хилки, иқтисодий тадқиқотлар уларнинг ҳаммасини қамраб ололмайди. Масалан ибодат қилиш истагини ёки ўзаро меҳр-муҳаббатга, бошқача айтадиган бўлсак «туйғулар ҳамоҳанглиги», ҳамдардликка бўлган эҳтиёжни олсак, буларнинг барчаси инсон ҳаётида катта рол ўйнайдиган ҳақиқатлардир. Лекин улар озиқ-овқат, кийим-кечак, бошпана ва бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёж каби иқтисодий тадқиқотнинг бевосита ўрни ҳисобланмайди.

Эҳтиёж – иқтисодий маънода ўзини қондирадиган бирор иқтисодий ресурсни (ёки пулни) топадиган ҳар бир истак-хоҳишдир.

Эҳтиёж – шахсни қўзғаб, ҳаракатга келтирадиган нафсий ҳолатдир. Қачон шу ҳолат ҳис қилинса бу ерда эҳтиёж бор, деб айтамыз. Бу ҳис қилишнинг ахлоқий нормаларга ёки қонуний принципларга ёки тўғрилиқ асосларига мувофиқ келиши ёки келмаслигининг аҳамияти йўқ. Эҳтиёжларда буларнинг бирортаси эътиборга олиб ўтирилмайди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой каби бирламчи эҳтиёжлар мавжуд. Лекин шу билан бирга инсон бу

нарсалардан янада кўпроғига ва хилма-хилига эҳтиёж сезади. Чунки у хилма-хил овқат ва ичимликларни тановул қилишни, турли кийимларни кийишни истайди. Ҳеч қанча вақт ўтмай унинг ижтимоий ривожланиш мажбурлайдиган бошқа эҳтиёжлари ҳам пайдо бўлади. Масалан у таълим олишга интилади. Меҳнат қобилиятини оширишга ёрдам берувчи қуролларга эга бўлишга ҳаракат қилади. Замонавий алоқа воситалари ва турли кўнгил очиш воситалари ўзининг хизматида бўлишини истайди. Хуллас – дейди улар – инсоннинг ниҳояси йўқ эҳтиёжларини санаб адоғига етолмаймиз. Яъни – уларнинг фикрича – эҳтиёжларнинг чеки-чегараси йўқ бўлиб, технология ёки ҳазорат ривожланиши билан янги-янги эҳтиёжлар пайдо бўлаверади ва бирламчи эҳтиёжларга нисбатан уларнинг аҳамияти ошиб бораверади. Давлат бойиб, ривожланган сайин бирламчи эҳтиёжлар эҳтиёжлар мажмуига нисбатан камайиб бораверади. Масалан шу нарса кузатиладики, камбағал ўз даромадининг жуда катта қисмини озиқ-овқатга сарфлаш учун ажратади. Бойда эса бунинг акси бўлади. Чунки бу миқдор унинг даромади ҳажмига нисбатан ёки даромадининг кўпайиб боришига нисбатан анча кам бўлади.

Бу ерда «эҳтиёжларнинг ниҳояси йўқ» деган ибора бор. Шунингдек эҳтиёжлар нисбийлик билан ҳам сифатланади. Кузатиш билан бу нарса ойдинлашади. Шахс муайян товар ёки хизматга эҳтиёж сезишига қарамай янада кўпроқ истеъмол қилиб қондиришга интилади. Демак унинг эҳтиёжлари умуман олганда давомли равишда ортиб бораверади. Шахснинг янги-янги эҳтиёжлари доимий равишда пайдо бўлаверади. Бирини қондиришга муваффақ бўлди дегунча яна бир янгиси пайдо бўлиб шахс уни ҳам қондиришга ҳаракат қилади. Демак кишиларнинг эҳтиёжлари хилма-хил ва ниҳояси йўқдир. Бир муайян жамият муайян сондаги эҳтиёжларни қондиришга муваффақ бўлди дегунча қондирилмаган янги эҳтиёжлар пайдо бўлаверади. Шунинг учун инсонни бир ерда тек турмай ҳаракатланаётган мақсад сари доимий интилаётганини кўрамиз. Эҳтиёжларнинг ниҳояси йўқлиги мана шунда кўринади. Ҳозирги вақтда инсон эҳтиёжлари ҳаётий ёки нафсий заруратларни акс эттиришдан кўра кўпроқ ижтимоий вазиятларни ифодалайди. Бу вазиятларга замон ва макон шарт-шароитлари ўз ҳукмини ўтказди. Масалан ибтидоий қабилачилик даврида яшаган шахснинг эҳтиёжларини ҳазоратга эришган жамиятда яшаётган шахс эҳтиёжларига солиштириб бўлмайди. Чунки аждодларимиз эҳтиёжлари бизникидек бўлмаган. Бизнинг эҳтиёжларимиз ҳам ўз навбатида набираларимизникидан фарқ қилади. Балки битта замон ва маконнинг ўзида ҳам кишиларнинг эҳтиёжлари уларнинг ижтимоий ва сақофий даражаларининг турлича бўлишига қараб бир-

биридан фарқ қилади. Масалан ишчи харид қиладиган мол (товар) бой харид қиладиган товарларга ўхшамайди. Қишлоқда яшайдиган деҳқоннинг сарф-харажати шаҳарда яшайдиган кишиникига ўхшамайди. Илм кишисининг эҳтиёжлари билан бизнесменнинг эҳтиёжлари бир-бирига тўғри келмайди. Демак эҳтиёжлар нисбий бўлиб, ҳар бир гуруҳнинг бир талай ўзига хос, алоҳида турли эҳтиёжлари ва истаклари бор, деса бўлади.

«Чегарали манфаатнинг етишмаслиги» ҳодисаси:

Улар «чегарали манфаат», «тўлиқ манфаат», «абсолют қиймат» ҳамда шахсий манфаат, жамойи манфаат каби ибораларни ишлатишади.

Манфаат:

Манфаат – мол (товар)даги бир хусусият бўлиб, у алам ҳиссини йўқотади ёки лаззат ҳиссини уйғотади ёки шу натижаларнинг юзага келиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни вужудга келтиради. Бошқача айтганда у – нарсанинг эҳтиёжни қондиришга бўлган қудратидир. Демак у узунлик, кенглик, вазн ёки ўлчовга ўхшаган моддий хусусият эмас. Аксинча у мол билан эҳтиёж ўртасидаги алоқадир. Чунки эҳтиёж бўлса манфаат пайдо бўлади, эҳтиёж йўқ бўлса манфаат ҳам йўқ бўлади. Демак у шахс идрок қила оладиган алоқа бўлиб, унинг миқдорини шахснинг ўзи белгилайди. Чунки у шахснинг истеъмол вақтида қай даражада маҳрумлигига боғлиқ бўлиб, маҳрумлик ортса ортади, камайса камаяди. Яъни у эҳтиёжнинг шахсга нисбатан қанчалик аҳамиятли эканига боғлиқ. Эҳтиёжни эса ҳар бир шахс ижтимоий шароитлар, одатлар ва сақофатга қараб турлича белгилайди. Шу билан бирга шахсда манфаат ҳақида тасаввурнинг шаклланишида жамият ўйнайдиган ролни ҳам инкор қилмаймиз. Чунки шахс жамиятда яшар экан манфаатни ўзининг идрокига шу жамият сингдирган ўлчов билан белгилайди. Демак манфаат шахсий ҳақиқат бўлиб, улар буни «истеъмол қиймати» ёки «истеъмол манфаати» деб аташади. Истеъмол қиймати билан айирбошлаш қийматини бир-бирига солиштирганда шундай дейишади. Бу вақтда бунинг ўрнига «манфаат» деган иборани ҳам қўллашади.

Манфаат бўлиши учун молга рағбат, истак бўлишининг ўзи кифоя. Бунда манфаатнинг ахлоқ, тўғрилик, сиҳат-саломатликка тўғри келиши ёки келмаслигининг аҳамияти йўқ. Бундан кўз юмилади. Бу тўғри келмасликнинг қиймат ҳосил бўлишига таъсири йўқ.

Манфаат бевосита бўлиши мумкин. У истеъмол товарларидан ҳосил бўлади. Манфаат билвосита ҳам бўлиши мумкин. Унга иншоотлар, станок (дастгоҳ)лар, қимматбаҳо қоғозлар каби ишлаб

чиқарувчи товарлар (яъни восита товарлар, яъни билвосита моллар) орқали эришилади.

«Абсолют манфаатнинг ошиши ва чегарали манфаатнинг камайиши»:

Абсолют манфаат истеъмол кўпайиши билан ошади.

Чегарали манфаат истеъмол кўпайиши билан камаяди.

Абсолют манфаат истеъмолга тўғри пропорционалдир.

Чегарали манфаат эса истеъмолга тескари пропорционалдир.

Манфаат қонунлари: Уларда манфаат нормасини белгилайдиган қонунлар ҳақида хулоса чиқариш учун келинг бир турдаги молдан, масалан: нондан маълум миқдорни бир-бирига тамоман тенг бўлган бирлик (бўлак)ларга бўлиб чиқдик, деб фараз қилайлик. Бу бирликлар бирин-кетин эҳтиёжни қондиришга, масалан: таомланишга ишлатилади. Ноннинг ҳар-бир бўлаги келтирадиган манфаат бор. Лекин бу бир-бирига тенг бирликлар эҳтиёжни қондириш учун бирин-кетин истеъмол қилинган пайтда истеъмолчига ўша манфаатнинг айнан ўзини, яъни қондиришдан ўша миқдорнинг ўзини юзага чиқармайди. Буни аниқроқ тушуниш учун келинг фараз қилайлик: Бир шахс нондан беш бирлик (бўлак)ни кетма-кет истеъмол қилди. У мана шу истеъмолдан қўлга киритган манфаатлар масалан қуйидагича бўлади дейлик: $(1+4+6+7+8=26)$. Бунда қуйидагиларни кўрамиз:

Биринчидан:

Абсолют манфаатнинг истеъмол кўпайиши билан ошиши. Чунки Абсолют манфаат – айтиб ўтганимиздек – манфаатлар мажмуаси бўлиб, уларни истеъмолчи истеъмол қилинган ҳамма бирликлардан қўлга киритади. Демак у истеъмолга тўғри пропорционал бўлиб, истеъмол кўпайиши билан ортади, камайиши билан камаяди.

Иккинчидан:

Чегарали манфаатнинг истеъмол кўпайиши билан камайиши. Биз абсолют манфаат истеъмол қилинган бирликлар кўпайиши билан органини кўрдик. Биз охириги бирлик истеъмол қилиниши натижасида абсолют манфаат миқдори ортишини кўрамиз. Чегарали манфаатда эса бунинг тескарисини кўрамиз. Чунки у истеъмол ошиши билан тобора камайиб боради. Буни «чегарали манфаатнинг камайиб бориши қонунияти» деб аталади. Истеъмол ошиши билан манфаатнинг камайиб бориши қонунияти абсолют манфаатга эмас, чегарали манфаатга аниқ тўғри келади. Бу қонун молнинг ўзидаги манфаатга эмас, молнинг истеъмолчига нисбатан бўлган манфаатига тўғри келади. Демак чегарали манфаатнинг камайиб бориши сабаби молнинг ўзига эмас, истеъмолчининг ўзига бориб тақалади. Чунки нарсалар табиати бир-бирига тенг бўлишини тақозо қилади.

Истеъмолдан ҳар-бир миқдор эҳтиёжни қондиришнинг бир маълум миқдорини юзага чиқаради. Бу эса эҳтиёжнинг кескинлигини камайтиради. Молнинг истеъмолчи учун қай даражада манфаатли эканлиги унинг эҳтиёжи қанчалик кескинлиги билан ўлчанар экан, демак эҳтиёж кескинлиги камайиши билан, яъни истеъмол ортиши билан бу манфаат камаяди. Демак чегарали манфаат истеъмолга тескари пропорционалдир. Зеро чегарали манфаат эҳтиёж кескинлигига ва шу эҳтиёжни қондириш учун тайёрланган мол миқдорига боғлиқ бўлади. Бу миқдор кўпайиб эҳтиёж кўпроқ қондирилгани сайин эҳтиёж кескинлиги камаяди, охири бориб нолга тушиб қолади. Бу пайтда энди қўшимча истеъмол қилиш абсолют манфаатга бирор нарса қўшолмайди, аксинча у алам келтира бошлайди, холос.

Қиймат

Рикардо 1820 йил 9 октябрда Мальтусга мактуб юбориб шундай деб ёзди: «Сизнинг фикрингизча сиёсий иқтисод бойлик табиати ва сабаблари ҳақида баҳс қилади. Лекин у менинг фикримча саноат маҳсулотини шу маҳсулотнинг юзага келишига ҳисса қўшадиган табақалар ўртасида тақсимлаш қонунлари ҳақида баҳс қилади. Биз албатта бойлик ҳажмини белгилаб берадиган тўғри қонунга эриша олмаймиз. Лекин уни тақсимлашни белгилаб берадиган тўғри қонунга эришишимиз мумкин. Биринчи баҳс беҳуда ва бўлмағур нарса эканига ва фақат иккинчи баҳсгина иқтисод фанининг ҳақиқий мавзуси эканига бўлган ишончим кундан-кунга ортиб борапти».

Бу ерда иш ҳақи, процент, рента, фойда каби анъанавий иқтисодчилар фикри-зикрини банд қилган кўплаб ишлар бор бўлса-да, лекин баҳсларда асосий эътибор қиймат ва тақсимлашни ўрганишга қаратилди.

Қиймат:

Қиймат – шахс ёки жамият бирор бир молга берадиган иқтисодий аҳамиятдир. Шахс бирор бир молга берадиган аҳамият «истеъмол қиймати» деб аталади. Жамият бирор бир молга берадиган аҳамият эса «айирбошлаш қиймати», деб аталади. Адам Смит қиймат сўзини қуйидаги икки маънода ишлатган:

Биринчиси: Бирор нарса манфаатига далолат қилиш учун. «Истеъмол қиймати» мана шудир.

Иккинчиси: Ана шу нарсанинг ўз эгасига берадиган қудратга, яъни бошқа товарларни харид қилиш қудратига далолат қилиш учун. «Айирбошлаш қиймати» мана шу.

Капиталистлар наздида қиймат икки хилдир:

1. Жорий қиймат.
2. Ҳақиқий ёки табиий қиймат.

Жорий қиймат бозорда вақтинча белгиладиган қийматдир. Таклиф билан талаб бир-бирига тўғри келиб қолганида шундай бўлади. Уни «жорий нарх» деб ҳам аталади.

Ҳақиқий ёки табиий қиймат – қайта ишлаб чиқариб бўлмайдиган ва миқдорини кўпайтириб бўлмайдиган нарсалар ёки товарлар қийматидир. Шунга кўра уларнинг қиймати таклиф кўпайиши билан камаймайди. Чунки бу товарларнинг қиймати уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат миқдоридан алоҳида бўлади. Уларнинг қиймати уларга эга бўлишни истайдиган кимсаларнинг бойлигига ва истак-хоҳишларига боғлиқ бўлади, холос. Бундай нарсаларга мисол қилиб: машҳур рассомлар чизган полотноларни, ҳайкалларни, нодир китоблар ва тангаларни, бошқа нодир дурдоналарни келтириш мумкин. Бундай нарсаларнинг қиймати таклиф жиҳатидан уларнинг қанчалик нодир, камёблигига боғлиқ бўлса, талаб жиҳатидан уларга эга бўлишни қанчалик зўр бериб исташга боғлиқ бўлади. Яъни нисбий камликка, яъни таклифнинг талабга нисбатан кам бўлишига боғлиқ бўлади. Бироқ Рикардо қиймат сўзини фақат айирбошлаш қийматига ишлатган, холос. Бу ўринда истеъмол қиймати маъноси билан айирбошлаш қиймати маъносини кўриб чиқамиз.

Биринчи: Истеъмол қиймати:

Истеъмол қиймати – молнинг харид қувватидир. Яъни шахсга мол келтирадиган шахсий манфаатлардир. Демак у шахсий қийматдир. Чунки шахсий истеъмол натижасидир.

Бундан қуйидагилар аён бўлади:

Истеъмол қиймати бозор бўлишига боғлиқ бўлмайди. Чунки уни шахснинг бор бўлишининг ўзи билангина тасаввур қилиш мумкин. Бунда жамоатнинг бўлиши зарур эмас. Масалан бир инсон жамоатдан узоқда, яъни бозордан узоқда яшайди, деб фараз қилайлик. Яъни Робинзон Крузога ўхшаб. Бу тасаввур истеъмол қийматини йўққа чиқармайди. Чунки ана шу инсон эҳтиёжларни ҳис қилар экан ва бу эҳтиёжларни қондириш учун молларни истеъмол қилар экан, демак бу молларнинг унга нисбатан истеъмол қиймати бўлади. Инсон мумкин қадар кўпроқ қондиришга, яъни мумкин қадар каттароқ истеъмол қийматига эришиш учун бу молларни турли тарзда истеъмол қилишлар ўртасини мувозанатга солади.

Бошқа бир мисол: Денгизда кетаётган бир киши чўкиб кетишга сал қолди, шунинг учун баъзи нарсаларни денгизга улоқтириб юкини енгиллатмоқчи, деб фараз қилайлик. Бунда у ана шу молларни бир-бирига солиштириб кўради. У нажот топиш учун бу молларнинг айримларидан қутилишга уринади. Буни истеъмол қиймати асосида қилади. Бунда бозор бўлишининг ҳожати йўқ.

Истеъмол қиймати объектив қиймат эмас, субъектив (шахсий) қийматдир. Чунки у шахс ҳолатига, унинг ижтимоий шароитига,

одатлари ва сақофатига ҳамда истеъмол вақтида қай даражада маҳрумлигига боғлиқ бўлади. Демак у ҳар бир шахснинг ўзида ҳам унинг маҳрумлик даражасига қараб, вақти-вақти билан турлича бўлади. Бу эса бизни қийматнинг, яъни «чегарали манфаат»нинг камайиб бориши қонуниятига олиб чиқади.

Айирбошлаш қиймати:

У бир молнинг бошқа молга нисбатан қийматидир. Яъни молнинг харид қувватидир. Бошқача айтганда молнинг бошқа мол билан айирбошланиш қудратидир. Агар икки молнинг бири пул бўлса нарх, деб аталади. Нарх молнинг пулга айирбош қилиш қийматини ифодалайди.

Демак айирбошлаш қиймати айирбошлашни тақозо қилади, яъни икки шахснинг ҳар бири ўзидаги молдан иккинчи шахсдаги мол эвазига воз кечишини тақозо қилади. Шунинг учун айирбошлашни жамоатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айирбошлаш бозор бўлишини талаб қилади. Демак истеъмол қиймати билан айирбошлаш қиймати ўртасидаги фарқ шуки, айирбошлаш қийматини бозорсиз тасаввур қилиб бўлмайди, истеъмол қиймати учун эса битта шахснинг бўлишининг ўзи кифоя. Бундан ташқари айирбошлаш қиймати объектив қиймат бўлиб, ҳар бир бозорда турлича бўлади. Истеъмол қиймати эса бунинг аксидир. Чунки у субъектив қиймат бўлиб ҳар бир шахсда турлича бўлади.

Истеъмол қиймати билан айирбошлаш қиймати ўртасида алоқа борми? Бу саволга: манфаат талаб асосидир, нисбий тақчиллик эса таклиф асосидир, бу иккиси биргаликда манфаат асосини ташкил қилади, деган нуқтаи назардан туриб жавоб бера оламиз.

Адам Смит «манфаат билан айирбошлаш қиймати ўртасида боғлиқлик йўқ» деган хулосага келган. У бунга «кўпгина товарларнинг айирбошлаш қиймати деярли йўқ бўлиб, улар тобора ошиб борувчи манфаатга эга. Масалан сув ва ҳаво каби. Манфаати кам кўпгина товарлар эса баланд айирбошлаш қийматига эга. Масалан олмос ва рассомларнинг айрим полотнолари каби» деган фикрини асос қилиб олди. Аслида эса бу икки қиймат ўртасида алоқа мавжуд. Шу даражадаки, бу алоқа истеъмол қийматини айирбошлаш қийматини тушунтиришлар доирасига киритиш имконини беради. Фарб иқтисодчиларининг тадқиқотлари бу ҳақиқатнинг қиймат назариясида катта таъсири борлигини кўрсатиб берди.

Шуниси аниқки, нарса агар фойдали бўлмаса унинг қиймати бўлиши мумкин эмас. Лекин манфаат, яъни фойдали бўлишнинг ўзигина нарсанинг қийматга эга бўлиши учун етарли эмас, балки эҳтиёжларга нисбатан ана шу нарса тақчил, кам бўлиши ҳам шарт.

Акс ҳолда у сув ва ҳаво каби айирбошлаш қийматига эга бўлмаган эркин моллардан бири бўлишдан нарига ўтмайди.

Қийматни тушунтирувчи назариялар

Ғарблик иқтисодчи олимларнинг қийматни тушунтирувчи бир неча назариялари бор:

Бу олимлардан айримлари қийматни тушунтиришда жорий нархларни тушунтиришга эмас, балки ҳақиқий қийматни, яъни «айирбошлаш қиймати», деб аталган нарсани тушунтиришга асосланиб, гоҳ сарф-харажат, гоҳ манфаат мавзусига мурожаат қилишди. Масалан улар ишлаб чиқариш сарф-харажатиغا асосланишиб, бу харажат мазмунини белгилашда турли фикр билдиришди. Бунинг натижасида улар таклифни анализ (таҳлил) қилишга аҳамият беришди. Масалан анъанавий (классик) мактаб ва марксистик мактаб намояндалари шундай қилишди. Мана шу объектив назариялардир.

Бошқалар эса талаб таҳлилига эътибор қаратишди. Бу эса қиймат ҳақидаги субъектив назариядир. Бу фикрни психологик мактаб вакиллари айтди.

Кўпгина тадқиқотчиларга бу икки йўналишдаги камчилик кўринади. Шунинг учун улар «мувофиқлаштирувчи назария» деган назарияни илгари суришди. Бу назария асосчиси Альфред Маршалл бўлиб, у ўз назариясида ишлаб чиқариш сарф-харажати билан бирга манфаатга ҳам асосланди, яъни таклиф билан талабнинг иккаласини бирга таҳлил қилишга асосланди.

Тўртинчи йўналиш ҳам пайдо бўлди. Биз уни ижтимоий йўналиш, деб атаймиз. Бу йўналиш қийматни тушунтиришда сиёсий ва ижтимоий муассасаларнинг таъсирига асосланади. Уни «қиймат ҳақидаги ижтимоий назария» ёки «ижтимоий қиймат назарияси», деб аталади. У ижтимоий объектив назариядир.

Демак қийматни тушунтиришдаги тўрт назария қуйидагилардир:

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажати таҳлил қилишга асосланувчи назария.

2. Манфаатни таҳлил қилишга, яъни талабни таҳлил қилишга асосланадиган назария.

3. Мувофиқлаштирувчи назария. У таклиф ва талабни биргаликда таҳлил қилишга асосланади.

4. Ижтимоий назария. У «сиёсий ва ижтимоий муассасалар таъсирини таҳлил қилишга асосланади».

Классик тадқиқотчилар асосан ишлаб чиқариш сарф-харажати унинг барча элементларини ўз ичига оладиган кенг маъноси билан баҳс қилишган бўлса, марксистлар қийматни фақат меҳнат элементи чеклаб қўйишди. Классик тадқиқотчилар ишлаб чиқариш харажати қийматлар, яъни ишлаб чиқарилган моллар қийматлари

мажмуасидир, деган фикрни билдиришган бўлса, марксистлар «қиймат фақат уни ишлаб чиқаришда сарфланган меҳнат миқдори билангина белгиланади» деган фикрни билдиришди, яъни уни фақат меҳнатгагина чеклаб қўйишди.

Баҳс учун шу соҳада кўзга кўринган бир неча назарияларни тақдим қиламиз. Улар қуйидагилар:

Адам Смит назарияси

Рикардо назарияси

Классик назария

Марксистик назария

Адам Смит: Ҳаёти ва қарашларидан бир парча:

Адам Смит (1723-1790) Шотландиянинг Киркалди шаҳрида туғилди. Оксфордда олти йил ўқиди. 1751 йилда унга Глазго университетидан мантиқ кафедраси таклиф қилинди. Кейинчалик ахлоқий фалсафа кафедраси ҳам берилиб, шу университет ректори бўлиб сайланди. Унинг энг кўзга кўринган асари «Халқлар бойлиги табиати ва сабабларига оид тадқиқот» китоби бўлиб, бу китоб унга катта шухрат келтирди.

Смит ҳукуматнинг бозорга аралашшига қарши чиқади. Чунки у эркин иқтисод тарафдоридир. Чунки – дейди у – бозор агар ўз ҳолига қўйилса жамият эҳтиёжларига эътибор беради. Бунда ривожланиш қонунлари аралашиб жамият фаровон турмуш кечирадиган бўлади.

Смит ривожланиш қонунлари ҳақида сўз юритади. Бу қонунларнинг биринчиси «концентрация қонуни»дир. Смитнинг фикрича концентрацияда жамият учун улкан манфаат бор. Чунки капитал агар станок (иш дастгоҳи)ларга ишлатилса бу нарса ажойиб меҳнат тақсимотини юзага келтиради. Бу эса инсоннинг ишлаб чиқариш имкониятини оширади.

Адам Смит назарияси:

Адам Смит нархнинг (яъни қийматнинг) икки турини бир-биридан фарқлайди. Бу икки тур қуйидагилар:

1. Номинал нарх. Уни «жорий нарх» ёки «бозор нархи» деб ҳам аталади.

2. Ҳақиқий нарх. Уни «табиий нарх» деб ҳам аталади.

Жорий нарх таклиф билан талаб ўртасидаги алоқага боғлиқ бўлса, бирор нарсанинг ҳақиқий нархи шу нарсага эга бўлиш учун чидаш керак бўладиган меҳнат-машаққатга боғлиқ бўлади.

Адам Смит ўз тадқиқотининг бошида ушбу мулоҳазани айтади: Одатда катта истеъмол қийматига эга нарсаларнинг кичик айирбошлаш қиймати бўлади, холос ёки умуман айирбошлаш қиймати бўлмайди. Бунга мисол сув ва ҳаводир. Кичик истеъмол

қийматига эга нарсаларнинг эса одатда катта айырбошлаш қиймати бўлади. Масалан олмос каби.

Бу билан Адам Смит қиймат ҳақидаги назарияси йўналишига таъсир ўтказган ва қийматга оид тадқиқотини бошқа бир омил сари, яъни нарсага эга бўлиш учун чидаш керак бўладиган меҳнат-машаққат омили сари йўналтирган бўлади.

Унинг айтишича, бу меҳнат-машаққатнинг кафолатланиши жамиятларнинг қанчалик ибтидоий ёки маданий эканлигига боғлиқ. Демак унинг айырбошлаш қийматини фарқлаши жамиятларнинг ибтидоий ёки маданий эканлигига боғлиқ бўлади. Унинг айтишича, ер ҳали мулк бўлмаган ва ҳали капиталлар тўпланмаган ана шу жамиятларда бирдан-бир ишлаб чиқариш элементи меҳнат бўлган. Бирор нарсага эга бўлиш учун чидашни талаб қиладиган бирдан-бир элемент у бўлган. Адам Смит «Меҳнат миқдори ана шу ибтидоий жамиятлардаги айырбошлаш қийматининг асоси бўлган» деган хулосага келади.

Смит кўзда тутадиган маданий жамиятларда эса ер мулкчилик объекти бўлади ва бу жамиятларда капитал кўплаб тўпланиб қолади. Шу маънодаки, эндиликда меҳнат ишлаб чиқаришнинг бирдан-бир элементи бўлмай қолди. Чунки ер ва капиталга эга бўлиш ҳам куч меҳнат ва машаққат талаб қилади. Бу билан Адам Смит ана шу жамиятларга хос бўлган нарсаларда меҳнат миқдори назариясини рад қилиш керак, деган хулосага келди ва қийматни «ишлаб чиқариш харажати» билан тушунтириш хулосасига келди. У «ишлаб чиқариш харажати» деганда иш ҳақи, рента ва фойданинг табиий даражасини кўзда тутади.

Рикардонинг қиймат ҳақидаги назарияси:

Рикардо (1772-1823) Англияга келиб ўрнашиб қолган голландиялик яҳудий оилада туғилиб вояга етди. Ёшлик чоғидаёқ яҳудийлик динини тарк этди. Молиявий қоғозлар биржасида даллол бўлиб ишлади. Қисқа вақт ичида катта бойлик тўплаб катта ер эгасига айланди ва парламент аъзоси бўлди.

Рикардо классик иқтисод мактабининг энг йирик вакили ҳисобланади. Унинг энг кўзга кўринган асарларидан бири: «Сиёсий иқтисод асослари ва солиқлар» китобидир. Энг кўзга кўринган назарияларидан бири эса қиймат ва тақсимлаш назариясидир. Рикардо агар товарнинг айырбошлаш қиймати бўлишини исталса манфаат асосий нарса эканини тан олади. Лекин у манфаатни қиймат ўлчови деб ҳисобламайди. Маркс ҳам худди шуни айтган.

Рикардо бундай дейди: Меҳнатга бўлган талабга боғлиқ бўладиган иш ҳақларининг узлуксиз яхшиланиб бориши давомли равишда ортиб боради. Бунга эса фақат капиталнинг давомли концентрацияси билангина эришиш мумкин, холос. Лекин Маркс бунга қарши чиқиб

бундай дейди: Капитал концентрацияси ишчи кучини эксплуатация қилиш ва у ишлаб чиқарган маҳсулотдан ошиқчасини ушлаб қолиш натижасидир. Бу маҳсулот ишчининг ҳаққи бўлиб, бу ҳақни ундан ишга ёллаган капиталист тортиб олади.

Унинг иш ҳақлари ҳақидаги назарияси ҳам жуда танилган. Унинг кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳақида баҳс юритган пайтдаги дифференциал рента ҳақидаги машҳур назарияси ҳам бор. Рикардо пул, банк муаммоларига, давлатлар тўловлари системасига ҳам тўхталиб ўтган.

Рикардо иқтисодий ривожланиш пайтида фойдалар камаяди, чунки капитал тобора кўп концентрацияланиши билан бир вақтда капиталистлар ўртасидаги рақобат ҳам кучайиб боради, бу эса фойдаларнинг пасайишига хизмат қилади, деган назария борасида Адам Смит фикрига қарши чиқади. Рикардо бу фикрга қарши чиқиб бундай дейди: Фойдаларнинг камайиши агар иш ҳақларининг ошиши билан бир вақтга тўғри келса юз беради. Рикардо бу ишни аҳолининг кўпайишига боғлайди.

Рикардо қийматга оид тадқиқотини Адам Смит кўтариб чиққан шаклда, яъни манфаат миқдори билан қиймат миқдори ўртасидаги зиддият шаклида бошлади. Унинг айтишича, ҳаво ва сувда катта манфаат бор бўлса-да, лекин оддий ҳаётда бу иккисининг айирбошлаш қиймати йўқ. Олтин эса бу иккисидан манфаати оз бўлса-да, бироқ унинг катта айирбошлаш қиймати бор. Рикардо мана шу баҳс, яъни манфаат билан қиймат ўртасидаги зиддият баҳси натижасида манфаатни айирбошлаш қийматини белгилашдан йироқлатиш керак, деган хулосага келди. Шу билан бирга у манфаат қиймат учун зарурийдир, деб тан ҳам олди. Шунингдек Рикардо жорий қиймат билан ҳақиқий қийматни бир-биридан фарқлаб бундай дейди: «Жорий қиймат таклиф билан талаб ўртасидаги алоқага боғлиқ». Ҳақиқий қиймат борасида эса у товарларни икки турга ажратади.

1. Кўп марта таклиф қилиш мумкин бўлмайдиган товарлар.

2. Кўп марта таклиф қилиш мумкин бўладиган товарлар.

Рикардо бундай дейди: ҳайкаллар, суратлар, нодир китоблар каби кўп марта таклиф қилиш мумкин бўлмайдиган товарлар қиймати уларнинг нисбий нодирлигига боғлиқ бўлади, яъни улардан мавжуд миқдорнинг уларни сотиб оладиганларнинг рағбат, истаклари билан бўлган алоқасига боғлиқ бўлади. Кўп марта таклиф қилиш мумкин бўладиган товарларнинг қиймати эса уларга эга бўлиш учун зарур бўладиган меҳнат миқдори билан белгиланади. Рикардо меҳнат миқдори деганда «бевосита меҳнат»ни ва «билвосита меҳнат»ни, яъни дастгоҳлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган меҳнатни ва ана шу товарларни ишлаб чиқариш

учун лозим бўладиган биноларни кўзда тутди. Рикардо наздида бунинг маъноси шуки, қийматни белгилаб берадиган меҳнат миқдори капитал элементини ҳам ўз ичига олади. Рикардо уни билвосита меҳнат, деб атайди. Меҳнат миқдори билан ўлчанадиган қиймат тубдан ўзгариб туради. Барқарор капитал фойдаланадиган муддатнинг турли бўлиши ҳамда барқарор капиталдан ўзгарувчи капиталга ўзгариб туриши натижасида (буни «капиталга органик тузилиши», деб аталади), яъни бир саноатда барқарор капитал бўлиб, бошқа саноатда ўзгарувчи капитал бўлиб, турлича бўлиши натижасида шундай бўлади. Бу нарса қийматни белгилашда бошқа бир омилни, яъни иш ҳақларини ҳам киритишга олиб келади. Ниҳоят Рикардо «масалан рента (ердан келадиган даромад) қийматни ҳосил қилишга кирмайди» деган фикрга келади.

Рикардонинг меҳнат қиймати ҳақидаги қиймат назарияси «қўшимча қиймат», деган марксистик назарияга йўл очиб берди.

Маркснинг қиймат назарияси:

Карл Генрих Маркс (1818-1883) Германиянинг Трир шаҳрида яҳудий оиласида туғилди. 1824 йилда отаси яҳудий динини ташлаб масиҳийликнинг протестантлик мазҳабини қабул қилди. Отаси Вольтер китобларини, Руссонинг сиёсат ва социология ҳақидаги қарашларини ўқиб-ўрганган эди. Кант фалсафасидан ҳам хабардор эди. Отасининг бу ўқиб, ўрганишлари Марксга таъсир қилиб, унинг ўзи яшаётган жамиятларни ўзгартиришга интилишига олиб келди.

18-19 асрларда динни ҳаётдан ажратиш ақидаси ўрнашиб, Европанинг ҳамма томонида буржуа капитализм томир ота бошлади. Айниқса эркинликлар ва энг аввало фикр эркинлиги, ёзиш эркинлиги, танқид эркинлиги мустаҳкамланиши ортидан бир гуруҳ файласуфлар ва муфаккирлар пайдо бўлганидан кейин шундай бўлди. Ана шу даврда Европа кўплаб сиёсий ўзгаришларни бошидан кечирди, инқилоблар ва урушлар оловида ёнди. Бу инқилоб ва урушлар сиёсий тузумлар ва регионал иттифоқлардаги кўпгина ўзгаришларга олиб келди. Шу билан бирга ана шу иттифоқлар ва давлатларда сиёсий барқарорлик йўқ эди. Бунга иқтисодий беқарорликлар ҳам келиб қўшилди. Эркин иқтисод ўрнашиши оқибатида шундай бўлди. Натижада буржуазия табақаси, капиталистлар билан ишчилар синфи ўртасида табақаланиш яққол кўзга ташланди. Бунга қўшимча ҳоким аристократ табақалар ҳам бор эди. Маркс мана шу кураш ҳодисалари гирдобиди ҳамда ўзининг онги шаклланишига таъсир қилган айрим ўқиб-ўрганишлар сабабли социализм фикрларидан кўп таъсирланди.

Шундан кейин Маркс идеология асосларини, материалистик диалектикани ишлаб чиқди. Бу диалектика материянинг келиб чиқиши ва инсоннинг келиб чиқиши ҳақида баҳс қилади. Маркс

ривожланиш қонунини илгари сурди, тарихий материализмни ишлаб чиқди. Шундан кейин у жамиятларни ҳар бир асрдаги иқтисодий вазиятга қараб синфларга ажратди. Шу маънодаки, ҳар бир жамият ишлаб чиқариш қуроллари ва услублари шаклига қараб шаклланадиган бўлди. Табиийки, жамиятлардаги ўзгариш ишлаб чиқариш қуроллари ва тушунчаларининг ўзгаришига қараб амалга ошадиган бўлади.

Маркс Лоренс фон Штайн ёзган «Франциядаги социалистик ҳаракат тарихи»ни ўқиб чиққанидан кейин яна социализм мавзусини ўқиб-ўрганишга киришди. Сўнгра Франция, Англия, Германия тарихини, турли сиёсий тузумлар тарихини ўқиб-ўрганди, Рикардо ва бошқа инглиз иқтисодчиларнинг китобларини ўқиди. Ана шу ўқиш-ўрганишлардан кейин у «Гегель фалсафаси танқиди муқаддимаси» номли мақолани нашр қилишга муваффақ бўлди.

Қиймат назарияси:

Маркснинг қиймат ҳақидаги назарияси янгилик эмас. Балки у юқорида айтиб ўтилган меҳнат миқдори назариясининг давомидир. Бу назария асосларини ибтидоий жамиятларга оид гипотезада Адам Смит ва ундан кейин жамиятнинг илк босқичлари гипотезасида Рикардо ишлаб чиққан эди. Лекин Маркс назариясидаги янгилик шуки, у бу назарияни меҳнатнинг ўзига татбиқ қилди ва ундан «қўшимча қиймат» ҳақидаги назариясини хулоса қилиб чиқарди. Бу назария Маркснинг капитализм низомини таҳлил қилишига ва унга ҳужум қилишига асос бўлди.

Маркс бундай дейди: «Товар қиймати унга сарфланадиган меҳнат миқдори билан белгиланади. Бу меҳнат миқдори ёки зарур бўлган меҳнат муддати маҳсулот ишлаб чиқариш учун ижтимоий зарур бўлган ҳар қандай меҳнат муддатидир». Сўнгра у бундай дейди: «Ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган меҳнат муддати – ўртача даражадаги квалификация (лаёқат) воситасида ва муайян ижтимоий муҳитга нисбатан оддий ҳисобланадиган шароитларда қилинадиган ҳар қандай меҳнат талаб қиладиган муддатдир. Меҳнат миқдори – ҳозиргина айтиб ўтилган маънони мулоҳаза қиладиган бўлсак – яъни муайян жамиятда бирор товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат муддатигина шу товар қийматини белгилаб беради. Шунинг учун демак қиймат меҳнатдир, яъни қийматни меҳнат белгилайди.

Маркс яна бундай дейди: «бирор товарнинг бошқа товар қийматига нисбатан қиймати уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнатни ўша бошқа товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат муддатига нисбатан солиштириб кўриш билан белгиланади. Шунга кўра товар қиймати – уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат муддати ўзгармас экан – ўзгармай қолаверади. Лекин

товарни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган муддат меҳнат маҳсулдорлиги ўзгаришига қараб ўзгаради».

Меҳнат маҳсулдорлиги эса турли нарсаларга боғлиқ. Жумладан, ўртача меҳнат квалификацияси, илм-фан ривожини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳунаринини эгаллаш даражасини, ишлаб чиқариш воситаларини кўламини, яроқлилигини ва табиий шароитларга боғлиқ.

Маркс шундай хулосага келди: «Меҳнат маҳсулдорлигини кўтарилгани сайин товар ишлаб чиқаришга кетадиган муддат камаяди, меҳнат миқдори камаяди ва товар қиймати ҳам камаяди. Бунга тескари ўлароқ меҳнат самарадорлигини камайгани сайин товар ишлаб чиқаришга кетадиган муддат ортади ва товар қиймати ҳам кўтарилади. Шунга кўра демак бирор товарнинг қиймати меҳнат миқдорига тўғри пропорционал равишда, меҳнат маҳсулдорлигига нисбатан эса тескари пропорционал равишда ўзгаради. Биз маҳсулдорликнинг ўзгариши меҳнат миқдорига таъсир қилаётганини кузатамиз. Шунга кўра демак маҳсулдорлик таъсирсиз омил эмас. Аксинча у меҳнат миқдорига таъсир қилиши орқали қийматга ҳам таъсир қилади».

Маркс «қиймат фақат бевосита меҳнат билангина белгиланмайди, балки товар ишлаб чиқарган ишчиларнинг бевосита меҳнати билан ҳам ва бу товарни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган иш қуролларини ишлаб чиқарган кишиларнинг билвосита меҳнати билан ҳам белгиланади» деб ҳисоблайди.

Маркс меҳнат миқдори унга кетадиган соатлар билан ўлчанади, деб ҳисоблайди. Лекин бу соатлар табиати бир хил бўлмайди. Чунки бир иш соатини бошқа иш соатига тенглаштириб бўлмайди. Мана шу ерда Маркс малакали меҳнатни оддий меҳнатга солиштириш зарур, деган йўлни тутди. Чунки малакали меҳнат оддий меҳнатнинг солиштирма даражасидир. Лекин солиштирма меҳнатни қандай била оламиз? Яъни малакали меҳнатни оддий меҳнатга солиштириш даражасини қандай аниқлай оламиз? Маркс бунда маҳсулотларни бир-бирига солиштириш даражасига асосланади. Масалан ҳайкалтарошнинг икки соат меҳнат қилишини талаб қиладиган кичкина ҳайкални тош кесувчининг йигирма соат меҳнат қилишини талаб қиладиган тош кўтариш билан солиштирилса бу нарса ҳайкалтарошнинг бир соатлик меҳнати тош кесувчининг ўн соатлик меҳнатига тенг эканини кўрсатиб беради. Шунга кўра демак солиштирма даража, яъни ҳайкалтарош меҳнатини тош кесувчининг меҳнатига солиштириш даражасини ўндир.

Мана шундан Маркснинг «меҳнат миқдори» назариясини ишлаб чиқишда Рикардодан қанчалик таъсирлангани ва қийматни тушунтирмақчи бўлар экан Рикардога ўхшаб бозор кучларига, яъни айирбошлашга мурожаат қилишга мажбур бўлгани аниқ кўриниб

турибди. Маркс ўзини бундан меҳнат назарияси халос қилди, деган тасаввурга келганидан кейин шундай йўл тутди.

Маркс «нарсанинг «истеъмол қиймати», яъни манфаат бўлиши мумкин, лекин унинг айирбошлаш қиймати бўлмаслиги мумкин» деган хулосага келади. Бунинг учун – дейди у – нарсанинг меҳнат маҳсули бўлмасдан фойдаси бўлишининг ўзи кифоя. Масалан ҳаво, сув, дашту-биёбон, қўриқ ерлар каби. Лекин бошқа томондан Маркс «бунинг акси нотўғри» деган хулосага келади. Чунки – дейди у – ҳар қандай нарса агар фойдали бўлмаса унинг қиймати бўлиши мумкинмас. Агар фойдали бўлмаса унга беҳуда меҳнат сарфланган бўлади ва натижада бу меҳнат ҳеч қандай қийматни вужудга келтирмайди.

Мана шундан аён бўляптики, Маркс манфаатни қиймат учун зарурий, деб ҳисоблаган ва қийматнинг асосий шарти, деб билган. Лекин бошқа томондан у қийматни тушунтиришда ҳам, уни қиёслашда ҳам манфаатга асосланмайди. Масалан у «аниқки биз маҳсулотларни бошқаси билан айирбошлар эканмиз уларнинг истеъмол қийматини ҳисобга олмаймиз» деган хулосага келган. Бунинг эса Рикардонинг «манфаат қиймат билан боғлиқ» деган позициясининг ўзи эканлиги шундоқ кўриниб турибди. Маркс қийматни тушунтиришда истеъмол қийматини мустасно қилишни (чиқариб ташлашни) «истеъмол қиймати молларда бир хил бўлмайди, ҳар бир молда, ҳар бир шахсда бошқа-бошқа бўлади», деб изоҳлайди. Маркс «истеъмол қиймати, нарсалар қиймати мустасно қилинганидан кейин унинг ҳамма нарсада бор бўлган бир муштарак сифати қолади, холос. У ҳам бўлса унинг инсон меҳнатига, яъни инсоннинг меҳнат, куч сарфлашига бориб тақалишидир. Бунда бу меҳнат, кучнинг қай шаклда сарфланганининг аҳамияти йўқ» деган хулосага келади.

Маркс меҳнат барча маҳсулотлардаги муштарак сифат (яъни барча маҳсулотлар – меҳнат натижасидир) деб ҳисоблар экан «меҳнат қийматнинг асосидир ва меҳнат муддати унинг миқдори ўлчовидир» деган хулосага келган.

Қиймат ва қўшимча қиймат

Маркс бошқа ҳар қандай товарга татбиқ этган назарияни меҳнатга ҳам татбиқ қилди ва шундай хулосага келди: «Меҳнат кучининг қиймати товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат миқдори билан белгиланади. Шунга кўра демак ишга олувчи хўжайин ишчига бу ишчи ишга яроқли бўлиб меҳнат қилишни давом эттиравериши учун зарур бўлган миқдорни беради, холос. Маҳсулот қиймати билан ишчи кучи қиймати ўртасидаги фарқни эса ўзига олиб қолади. Буни «қўшимча қиймат» дейилади». Маркс қўшимча қийматдан капитализмга ҳужум қилиш учун фойдаланди.

Карл Маркс меҳнатни олди-сотди қилинадиган бошқа товарларга ўхшаган бир товар, деб ҳисоблади. Чунки – дейди у – ишчи ўз кучи, меҳнатини хўжайинга сотади. Шунга кўра ишчи бошқа ҳар қандай товарни сотувчи каби айирбошлаш қийматиغا эга бўлади, хўжайиннинг, яъни сотиб олувчининг мулкига айланган истеъмол қийматидан (яъни меҳнатнинг ўзидан) эса воз кечади.

Шунга асосланиб Маркс «ишчи меҳнат маҳсули қийматиغا эмас, балки меҳнат кучи қийматиغا эга бўлади», деган хулосага, яъни «иш ҳақи маҳсулот нархи эмас, балки ишчи кучига тўланган нархдир» деган хулосага келади. Шунга асосланиб Маркс иш ҳақи маҳсулот қиймати билан эмас, балки ишчи кучи қиймати билан белгиланади, деб ҳисоблайди.

Маркс меҳнат билан ишчи кучини бир-биридан фарқлади. У ишчи кучи деганда кишининг меҳнат қилишига бўлган жисмоний ва зеҳний қудрати, лаёқатини кўзда тутади. Ишчи кучи олди-сотди қилинадиган товарга айланса, демак унинг қийматини товар ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатлар белгилайди яъни товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат белгилайди, деб билади. Маркс бу билан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган иш соатини ҳамда ишчи ўзини ва оиласини таъминлаши учун зарур бўлган тирикчилик воситаларини кўзда тутади.

Ишчи ўзини ва оиласини таъминлаши учун зарур бўлган бу минимум билан ишчининг маҳсулот ишлаб чиқаришда эксплуатация қилинадиган кучи ўртасидаги бу фарқ «қўшимча қиймат» шаклида кўзга ташланади. Капиталнинг тўпланиши ва ўсиши сирини мана шудир.

Маркснинг қийматни баҳс қилиши

Маркс капитализмга ва хусусий мулкчилик тарафдори бўлган кимсаларга бўлган кек-адоватидан келиб чиқиб баҳс юритди. Бунда у Европа бошидан кечираётган воқеликдан таъсирланди. Шундан сўнг у капитализм асосларига ва унинг иккиламчи томонларига тўхталди, уни танқид қилиб ер билан яксон қилишда бутун заковатини ишга солди.

Маркс қиймат ҳақидаги баҳсини Смит сўнгра Рикардо қаердан бошлаган бўлса, ўша ердан бошлади. Яъни Маркс «товар қиймати унга сарфланган меҳнат миқдоридан иборат. Бевосита меҳнат бўладими ёки билвоситами, бунинг фарқи йўқ» деган фикрни билдирди. Рикардо ҳам худди шу фикрни айтган эди. Лекин Маркс капитални бекор қилишни ва шу капитал ҳосил бўладиган фойда ёки процент деган нарсани рад қилишни айтар экан қиймат билан қўшимча қийматни бир-биридан фарқлади. Шунингдек у гарчи манфаат бўлиши зарурлигини тан олса-да, бироқ у қийматни белгилаганида манфаатни эътиборга олмади. Рикардо ҳам худди

шундай қилган эди. Маркс фақат меҳнатга урғу берди, холос. Қолаверса унинг меҳнат билан ишчи кучини бир-бирдан фарқлаши унинг «ишга олувчи хўжайин кўрадиган фойда, яъни капитал ҳосил бўлишининг асоси бўлмиш фойда ҳосил бўладиган қўшимча қиймат бор» деган фикрига йўл очиб берди.

Шунда Маркс ишчиларга мурожаат қилиб хўжайинлар уларнинг меҳнати ва кучи маҳсули бўлган ортиқча қийматни ўзларига олиб қолиб, уларга зулм қилишаётганини, уларга – Рикардонинг иш ҳақлари ҳақидаги назарияси бўйича – иш ҳақи сифатида фақат тирикчиликкагина етадиган миқдорни беришаётганини айтди.

Маркс ўзининг фикри бўйича оддий меҳнат билан малакали (мураккаб) меҳнатни бир-бирдан фарқлашига қарамай «қиймат меҳнатдир» деган фикрни айтди. Бу билан у меҳнатнинг дахли бўлмаган табиат маҳсулотларини эътиборга олмаган бўлади. Чунки бу маҳсулотларнинг – у таянган асосга кўра – ҳеч бир қиймати йўқ.

Маркс гоҳида манфаатни қиймат учун зарурий ва унинг асосий шарти, деб ҳисобласа-да, лекин у бошқа томондан қийматни тушунтиришда ҳам, уни қиёслашда ҳам манфаатга асосланмайди. Шунинг учун у бундай дейди: «Биз маҳсулотларни бошқасига айирбошлар эканмиз уларнинг истеъмол қийматини ҳисобга олмаймиз, бу аниқ».

Шу ўринда биз нотўғри мантиқий хулосани кузатамиз. Унинг мазмуни шуки, Маркс қиймат асоси ҳақида баҳс юритар экан ҳамма молларда шу қийматнинг муштарак асоси бўлишини истади. Шу сабабли у манфаатни қиймат асоси сифатида кўришни рад қилди. Чунки унинг фикрича манфаат муштарак асос бўлишга ярамайди. Чунки у ҳар бир шахсда турлича бўлади. Қолаверса у меҳнат қийматни тушунтирувчи омил сифатида эканини айтиб, уни муштарак асос сифатида илгари сурди. Бу меҳнат ҳам худди манфаатга ўхшаб унда сарфланадиган куч ва машаққат ҳар бир шахсда турлича бўлишини эса унутди.

Маркс «манфаат қиймат учун зарурийдир ва уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватловдир» деб туриб, сўнгра уни қиймат тушунчасига ҳам ва қийматни қиёслашга ҳам киритмаслиги қандай бўлди ахир?!

Маркснинг бу «меҳнат миқдори» назариясида воқеликдан йироқлик бор. Чунки кўп ҳолларда айирбошлаш қиймати, яъни «нисбий нархлар» товар ишлаб чиқаришда сарфланадиган меҳнат миқдори билан мутаносиб (мос) келмайди. Демак энг катта қийматдаги нарсаларга энг кўп меҳнат сарфланган бўлиши зарурий (шарт) эмас. Чунки катта меҳнат талаб қиладиган, қиймати эса кам бўладиган нарсалар ҳам бор, оз меҳнат талаб қилиб, қиймати баланд бўладиган нарсалар ҳам бор. Шунингдек бир хил меҳнат талаб

қилиб, лекин қиймати турлича бўладиган нарсалар ҳам бор. Бу айтиб ўтилган вазиятларни нарсалар манфаати турлича экани билан изоҳлаш мумкин.

Қиймат баҳси ва уни муҳокама қилиш кейинроқда келади.

Анъанавий назария

Анъанавий иқтисодчилар ўзларининг қиймат назарияси ҳақидаги баҳсларини Адам Смит ва Рикардо ишлаб чиққан асосларга қуришди. Лекин улар қийматни тушунтиришда истеъмол қиймати билан айирбошлаш қийматини бир-биридан фарқлаб бу иккисининг фикрига қарши чиқишди ва икки қийматнинг асоси битта эмас, деган хулосага келишди.

Стюарт Мил ва Керри каби анъанавий иқтисодчилар ва бошқалар манфаатни умумий маъноси билан олишди. Чунки улар нарсанинг манфаатига умумий ҳолда аҳамият қаратишди. Яъни абстракт қиймат, деб аталадиган нарсага аҳамият беришиб, нарсанинг ниҳойи қисми манфаатига аҳамият бериб ўтиришмади, яъни улар чекли манфаатни тан олишмади.

Айирбошлаш манфаатига нисбатан эса улар қайта ишлаб чиқаришга яроқли бўлган нарсаларни бир-биридан фарқлашди. Биз бу нарсалар ҳақида олдинроқ сўз юритган эдик. Улар биринчи қиймат ишлаб чиқариш сарф харажатига боғлиқ, иккинчи қиймат эса ундан алоҳида (яъни унга боғлиқ эмас) деган хулосага келишди.

Аниқ кўриниб турибдики, анъанавий назария истеъмол қиймати билан қайта ишлаб чиқаришга яроқсиз бўлган нарсаларнинг айирбошлаш қийматини бир-биридан фарқлайди. Истеъмол қийматини манфаат деб тушунтирса, айирбошлаш қийматини нисбий тақчиллик, деб изоҳлайди. Истеъмол қиймати билан қайта ишлаб чиқарса бўладиган нарсаларнинг айирбошлаш қийматини ҳам бир-биридан фарқлаб, бу айирбошлаш қийматини ишлаб чиқариш сарф-харажати билан, яъни меҳнат ва капитал билан изоҳлайди.

Анъанавий назариядаги бу охириги ҳолатни «ишлаб чиқариш сарф-харажати» назарияси деб номлашади.

Нарх

Нарх таклиф ва талабнинг ўзаро кесишиши билан белгиланади. Шу кесишиш нуқтасининг ўзи мувозанатни, яъни таклиф қилинган товар миқдори билан талаб қилинган товар миқдори ўртасидаги мувозанатни юзага келтиради. Бу нарх мувозанати фақат битта бўлади. Унинг ўзигина бозорнинг амалдаги ҳақиқий нархи бўла олади ва унинг ўзигина сотиладиган товарлардан мумкин қадар каттароқ миқдорини юзага чиқаради.

Бу эса ўз навбатида тўлиқ рақобатга бориб тақалади. Нархнинг битта бўлиши маъноси шуки, битта вақтда, битта бозорда, битта

товарнинг бир неча нархлари бўлиши мумкин эмас. Шунга кўра демак битта нарх ҳақида сўз юритилганда битта замон, битта бозор ва битта товар кўзда тутилади. Шунинг учун агар бу шартларнинг биттаси бўлмаса у ҳолда битта нарх ёки нарх мувозанати ҳақида сўз юритишга ўрин йўқ.

Тўлиқ рақобат шароитида нархнинг битталиги – бозордаги таклиф ва талаб авжига чиқиши билан, эркин кириб, чиқиш билан, эркин кўчиб юриш билан, хабардорлик шarti тўла топилиши билан ва товарнинг бир-бирига ўхшаш турдагилиги билан изоҳланади.

Чунки мабодо сотувчилардан бири ўз товарини бошқаларнинг сотаётганидан кўра қимматроқ сотмоқчи бўлса харидорлар ундан олишмай бошқалардан сотиб олишади. Бу эса ўша сотувчини нархни туширишга мажбур қилади. Бошқа томондан эса қайсидир маҳсулотни бозор нархидан камроққа сотишга ҳам ҳеч бир асос йўқ. Чунки нархни бозор нархидан камайтириш ўша маҳсулотни сотаётган киши манфаатига тўғри келмайди. Чунки у ўзи сотмоқчи бўлган маҳсулотнинг ҳар қандай миқдорини бозор нархида сота олади. Чунки нархни тушириш умумий фойданинг камайишига олиб келади.

Шунга кўра тўла рақобат кетадиган бозорда фақат битта нарх бўлиши мумкин, холос.

Нарх мувозанати ёки таклиф ва талаб мувозанати, деб шунга айтилади. Таклиф ва талаб мувозанатига фақат тўлиқ рақобат кетадиган бозордагина эришиш мумкин. Тўлиқ рақобат шартлари қуйидагилардир:

Сотувчилар сони ҳам, харидорлар сони ҳам катта бўлиши керак. Шу даражадаки, сотувчилардан бири ёки харидорлардан бири бозордан чиқиб кетса бозор воқелигига таъсир қилмасин. Таклифнинг авжига чиқиши ва талабнинг авжига чиқиши, деб шуни айтилади. Сотувчилар ёки харидорлар ўзаро келишиб олмасликлари лозим. Сотувчилар ҳам харидорлар ҳам бозор воқелигидан тўла хабардор бўлишлари керак. Бу эса бир жинсдаги товар бўлиши билан ва битта вақтда бўлади.

Шуларнинг ҳаммасидан кейин иқтисодчиларнинг тадқиқотларида бундай дейилади: мувозанатли нархдан баланд бўлган ҳар қандай нарх таклиф ва талаб механизми натижасида автоматик равишда (ўз-ўзидан) шу мувозанат нархига тушади. Шунингдек мувозанат нархидан кам бўлган ҳар қандай нарх ҳам таклиф ва талаб механизми натижасида ўз-ўзидан шу мувозанат нархига кўтарилади. Демак мувозанат нархигина бозордаги ҳақиқий нархдир.

Таклиф ҳамда нарх хусусида

Бозор кучлари: яъни капиталистик низомдаги таклиф билан талаб ва нарх ишлаб чиқариладиган ресурсларни турли ишлаб чиқариш

тармоқларига, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга тақсимлайди. Ишлаб чиқарилган ресурслар нархини (пулини) тўлашга қодир бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи бу ресурслардан истаган нарчасини қўлга киритиши ва пулини тўлолмаган бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни маҳрум қилиши мумкин.

Шунингдек бозор кучлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга тақсимлайди. Истеъмол товарлари нархини тўлашга қодир бўлган истеъмолчи бу товарлардан истаган нарчасини қўлга киритиши ва бошқаларни улардан маҳрум қилиши мумкин.

Нархнинг роли

Маҳсулот ишлаб чиқариш омиллари бозорида ёки истеъмол моллари бозорида таклиф билан талаб ўртасида мувозанат йўқ бўлиб қолгудек бўлса нархлардаги ўзгаришлар таклиф билан талаб ўртасидаги мувозанатни қайта тиклайди.

Масалан, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш омилларига бўлган талаби таклифдан ортиб кетса ёки истеъмолчиларнинг истеъмол молларига бўлган талаби таклифдан ортиб кетса нарх таклифни кўпайтирадиган ва талабни камайтирадиган даражада кўтарилади, охири бориб таклиф ва талаб тенг бўлиб қолади. Энди агар талаб таклифдан кам бўладиган бўлса нарх иккаласи ўртасидаги мувозанатни тиклайдиган даражада пасаяди.

Мана шундан аниқ кўриниб турибдики ишлаб чиқариш омилларини маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида тақсимлайдиган ва истеъмол молларини истеъмолчилар ўртасида тақсимлайдиган нарса нархдир. Нархдаги ўзгаришлар эса ишлаб чиқариш омиллари бозоридаги ва истеъмол моллари бозоридаги мувозанатни тиклайди.

Шуни ҳам кузатамизки, бозор кучлари истеъмолчи истакларини акс эттиради. Шу маънодаки, маҳсулот ишлаб чиқариш сифат жиҳатидан ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам бу истакларга жавоб беради, яъни истеъмолчиларнинг муайян товарга бўлган талабининг ошиши ўша товар нархининг ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида товарни кўплаб ишлаб чиқаришга олиб келади. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариладиган ресурслардан катта қисмини ўша товарни ишлаб чиқариш учун ажратишни тақозо қилади.

Демак истеъмолчи ҳам худди нарх каби пировардида маҳсулотнинг миқдори ва сифатини белгилашга, яъни маҳсулот ишлаб чиқариладиган ресурсларни ишлаб чиқариш тармоқларига тақсимлашга ўз ҳукмини ўтказди.

ИҚТИСОДИЙ МУАММО БАҲСИ

Нисбий тақчиллик ҳодисаси иқтисодий муаммо эмас. Чунки улар буни хато асосларга қуришди ва бузуқ асосдан келиб чиқишди. Чунки улар инсон эҳтиёжлари янгиланиб туради ва хилма-хилдир. Демак бу эҳтиёжларнинг чегараси йўқ. Қондириш воситалари бўлган товарлар ва хизматлар эса қанчалик кўп бўлмасин, барибир чегаралидир, дейишди.

Бу гап хато ва воқеликка зиддир. Бунинг тафсилоти қуйидагича: биз инсоннинг асосий эҳтиёжлари билан камолий эҳтиёжларини бири-биридан фарқлашимиз зарур. Чунки инсоннинг асосий эҳтиёжлари бир хил бўлиб ўзгармайди, ошмайди ва камаймайди. Бу эҳтиёжларни албатта қондириш талаб қилинади. Бу эҳтиёжлар еб-ичиш, кийим-кечак, уй-жойдан иборат бўлиб, чеклангандир. Қанчалик технология тараққиётига эришилмасин ва тирикчилик воситалари қанчалик ривожланмасин, бу эҳтиёжлар ўша-ўша ўзгармай қолаверади. Янги-янги қондириш воситалари қанчалик кўпайиб, хилма-хил бўлмасин асосий эҳтиёжлар чекли бўлиб қолаверади. Бинобарин уларни қондириш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди ва ҳеч қандай тўсиқни пайдо қилмайди. Одамлар сони эса чегаралидир. Аллоҳ Таоло ер юзидаги ҳар бир ўрмалаган жонга ризқ беришни ўз зиммасига олган.

Аллоҳ Таоло деди:

﴿وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا﴾

– *„Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Оллоҳнинг зиммасидадир“.* [11:6]

Ибтидоий асрларда инсон шу эҳтиёжларни қондириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳаракат қилар эди. Бу эҳтиёжларни қондиришида ҳеч қандай муаммо бўлмаган. Чорвачилик билан шуғулланилган асрларда ҳам, деҳқончилик қилиб ердан фойдаланилган асрларда ҳам ҳол ўша-ўша ўзгармаган. Саноат тараққиётига, маданиятга ва ривожланишга эришилган асрларда ҳам, ҳатто мана бу тезлик асрида ва космос забт этилган асрда ҳам бу асосий эҳтиёжларни қондиришдаги ҳол ўша-ўша, ўзгармаган.

Аммо саноат тараққий этиб, технология ривожланиб бориши билан эҳтиёжларнинг, яъни истак-хоҳишларнинг ўсиб боришига келсак, бу нарса фақат камолий эҳтиёжларга нисбатан кўзга ташланыпти, холос. Асосий эҳтиёжлар эса ўсмайди, ўз чегарасида қолаверади. Камолий эҳтиёжлар қондирилмаса ҳеч қандай муаммо келиб чиқмайди.

Бу ҳайратга солувчи саноат тараққиёти шароитида инсон ўша-ўша инсон бўлиб қолаверади, ўзгармайди, асло ўзгармайди, унинг эҳтиёжлари ҳам ўша-ўша, ўзгармайди. Агар ҳар томонга қулоч ёйган бу оламдаги геоаҳоли тасвирини амалга оширсак, яъни бу ер куррасининг ҳамма аҳолисига, улар яшайдиган турли минтақаларга,

хилма-хил ҳаёт тарзларига тўхталадиган бўлсак, тирикчилик воситалари борасида жуда катта фарқ борлигини, бундай воситалар айрим минтақаларда етарли ва кўп эканини, бошқа минтақаларда эса жуда кам эканини кўрамиз. Лекин бу ерда асосий эҳтиёжларни қондиришга тааллуқли ҳеч қандай иқтисодий муаммо топилмайди.

Лекин ғарблик иқтисодчилар бу инсон ҳақида моддий нуқтаи назардан туриб баҳс юритар экан асосий эҳтиёжлар билан оддий, камолий эҳтиёжлар ўртасидаги фарқни ажратишмади. Уларнинг айтишича, эҳтиёжларнинг чегараси йўқ эмиш, шунча кўп миқдордаги товар ва хизматлар бу чегарасиз эҳтиёжларни қондириш учун етарли эмас эмиш, шунинг учун иқтисодий муаммо мавжуд бўлиб тураверар эмиш.

Улар ўзларининг иқтисодий назарияларини хато, бузуқ, нотўғри, воқега хилоф асосларга қуришганини қатъий ва аниқ далиллашимиз учун оддий қизиқиш ва бирламчи тадқиқотларгина эмас, балки ҳаёт тарзлари турлича бўлган жамиятлар воқесидан олинган тирик мисолларнинг ўзи кифоядир. Масалан Вашингтон, Нью-Йорк, Лондон, Париж ва бошқа шаҳарларга назар ташласак, улардаги аҳоли, оиланинг ҳар бир аъзоси, масалан битта ёки кўп автомашинага эга эканлигини кўрамиз. Шундан сўнг Ўрта Шарқ, Африка, Шарқий Осиёдаги шаҳар ва қишлоқларга, саҳроларга келсак юзлаб, балки минглаб одамларнинг битта автомашинага ҳам эга эмаслиklarини кўрамиз. Хўш бу уларда бирор муаммони туғдирдими? Уларнинг асосий эҳтиёжларини қондиришга бунинг таъсири бўлдики? Табиийки йўқ.

Демак уларнинг асосий хатоси – асосий эҳтиёжлар билан камолий эҳтиёжларни бир-биридан фарқлай олишмаганидир. Демак чегарасиз эҳтиёжлар, деган нарсанинг ўзи йўқ. Аксинча эҳтиёжлар чегаралидир. Товарлар ва хизматлар, яъни қондириш воситалари эса ҳар қандай шароитда, инсоният босиб ўтган ҳар бир асрда доимо эҳтиёжлардан кўп баробар ортиқ бўлган. Демак ҳеч қандай муаммо йўқ.

Қондириш воситалари бўлган товарлар ва хизматлар жуда кўп бўлиб, магазинларга деярли сиғмай қолган, бозорларда босилиб ётибди. Шунга қарамай қашшоқлик, қўл учида кун кўриш ҳамон давом этмоқда. Бунга сабаб ёмон тақсимлашдир ва эҳтиёжларни тўла қондириш учун мана шу улкан миқдордаги товар ва хизматларни жамиятнинг ҳар бир аъзосига тақсимлашни кафолатлайдиган иқтисодий низомни татбиқ этилмаётганидир. Демак муаммо фақат тақсимлашдадир, холос.

Инсондаги эҳтиёжлар фитрий (туғма)дир. Шунинг учун ҳар бир инсон беихтиёр интилиб, ўз эҳтиёжларини қондирадиган нарсани излайди. Асосий эҳтиёжлар еб-ичиш, кийим-кечак, уй-жой эканини айтиб ўтдик. Ибтидоий асрларда яшаган инсон ғорларни ўзига бошпана қилиб олган. Кейинчалик чайлада яшаган. Чайлани бошпана қилиб олган. Ғорда ёки чайласида ухлар экан, роҳат ва оромни ҳис қилган. Кейинчалик уйларни қурадиган бўлди, уларнинг режасини

тузишда ва қуришда маҳорат касб этди. Ана шунда ҳам у қасрларда яшайдими ёки ғор ва чайлада яшайдими, бундан қатъий назар, бошпанага бўлган эҳтиёжини қондириши бир хил бўлган.

Инсоннинг еб-ичишга бўлган эҳтиёжига нисбатан ҳам шундай. Чунки уни қондиришга интилиши фитрий ва беихтиёрдир. Инсон ҳайвонлар ва балиқларни овлайди, ердан униб чиққан мўл-кўл набототларни ейди ва хилма-хил меваларни ейди. Унинг еб-ичишга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши унга ором ва роҳат бағишлайди. Инсон бугун ўзига иштаҳани қитиқлайдиган мазали таомларни етарлича тайёрлаётгани бунга тўлақонли мисол бўла олади.

Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло дейди:

﴿فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ إِلَى طَعَامِهِ ﴿٦٠﴾ أَنَا صَبَبْنَا الْمَاءَ صَبًّا ﴿٦١﴾ ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقًّا ﴿٦٢﴾ فَأَنْبَتْنَا فِيهَا حَبًّا ﴿٦٣﴾ وَعِنَبًا وَقَضْبًا ﴿٦٤﴾ وَزَيْتُونًا وَنَخْلًا ﴿٦٥﴾ وَحَدَائِقَ غُلْبًا ﴿٦٦﴾ وَفَيْكِهَةً وَأَبًا ﴿٦٧﴾ مَتَاعًا لَّكُمْ وَلِأَنْعَامِكُمْ ﴿٦٨﴾﴾

– „Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан бир) қараб кўрсин-чи! Биз (осмондан) сув-ёмғирни қўйдирдик. Сўнгра Ерни (ғиёҳлар билан) ёрдик. Сўнг Биз унда дон-дунни, узум ва кўкларни, зайтун ва хурмоларни, қуюқ дарахтзор боғларни, мева-чева-ю, ўт-ўланларни сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб ундириб-ўстириб қўйдик-ку!“ [80:24-32]

Аллоҳ Азза ва Жалла яна шундай дейди:

﴿وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ مِنْ بُيُوتِكُمْ سَكَنًا وَجَعَلَ لَكُمْ مِنْ جُلُودِ الْأَنْعَامِ بُيُوتًا تَسْتَخِفُونَهَا يَوْمَ ظَعْنِكُمْ وَيَوْمَ إِقَامَتِكُمْ ۖ وَمِنْ أَصْوَابِهَا وَأَوْبَارِهَا وَأَشْعَارِهَا أَثْنَا وَمِئْتًا إِلَىٰ حِينٍ ﴿٦٩﴾ وَاللَّهُ جَعَلَ لَكُمْ مِمَّا خَلَقَ ظِلَلًا وَجَعَلَ لَكُمْ مِنَ الْجِبَالِ أَكْنَانًا وَجَعَلَ لَكُمْ سَرَابِيلَ تَقِيكُمُ الْحَرَّ ۖ وَسَرَابِيلَ تَقِيكُمُ بَأْسَكُمْ ۚ كَذَٰلِكَ يُتِمُّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تُسْلِمُونَ ﴿٧٠﴾﴾

– „Аллоҳ сизлар учун уйларингизни оромгоҳ қилди ва сизлар учун чорва ҳайвонларининг териларидан кўчадиган кунларингизда ва кўнадиган кунларингизда енгил кўтариб кета оладиган уй-ўтовлар (бунёд) этди ҳамда (қўйларнинг) жуунларидан, (туяларнинг) юнларидан ва (эчкиларнинг) тивитларидан маълум бир вақтга қадар фойдаланиладиган жиҳоз ва матолар (яратди). Аллоҳ сизлар учун Ўзи яратган нарсалардан соя-салқин жойлар (бунёд) этди ва сизлар учун тоғлардан зор-бошпаналар қилди ҳамда сизлар учун иссиқ (совуқ)дан асрайдиган кийимлар ва сизларни (душманнинг) зиён етказишидан сақлайдиган совутлар (яратди). У зот шояд мусулмон бўларсизлар, деб сизларга Ўз неъматини мана шундай қомил қилиб берур“. [16:80-81]

Инсоннинг кийимга бўлган эҳтиёжига келсак, у ўз танасини беркитиб турадиган ёки қаҳратон совуқ ва жазирама иссиқдан ҳимоя қиладиган кийимга интилиши табиийдир. Бу тўғрида ҳам у ҳеч қандай муаммога дуч келмаган. У ҳозир бу эҳтиёжини замонавий қондириш воситалари билан қондирмоқда. У ерда ухласа ҳам, похол, бўйра, юмшоқ тўшак, кроватларда ухласа ҳам, буларнинг барчасида унинг уйқуси ўша-ўша, бир хил уйқу бўлиб унга роҳат ва ором бағишлаган. Худди шунинг сингари инсон ўзининг авратини ва уят жойларини беркитиб турадиган, қаттиқ совуқ ёки қаттиқ иссиқдан сақлайдиган кийимни излаб топишга табиий равишда интилади. Инсон кийим-кечакни тарих тонгидаёқ билган, уй-жойларни ҳам билган. Мана бу қадимги баланд қасрлар, эҳромлар, ибодатхонадаги ҳайкаллар ҳамон сақланиб, кўз ўнгимизда турибди. Улар ва бошқалар ҳеч қандай машина, технология ва саноат тараққиёти бўлмаган ўша даврларда ҳам инсоннинг бошпана, кийим ва озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлари қондирилганини кўрсатиб турибди. Бу асосий эҳтиёжларни ва бошқаларни қондириш оқибатида қандайдир муаммо юзага келганини тарих бизга ҳикоя қилмаган.

Демак қадимги асрларда инсоннинг асосий эҳтиёжларига тааллуқли нарсаларда ҳеч қандай муаммо бўлмаган ва ҳозирги асрда ҳам муаммо йўқ. Аммо биз бугун Африка ва баъзи Осиё давлатларида гувоҳи бўлиб турган очарчиликларга келсак, бу капиталистик низом сиёсати ва унинг маҳсули бўлмиш мустамлакачилик натижасидир, ана шу мамлакатлардаги бойликларни талаб, ташиб кетиш, улардаги ресурслардан фойдаланиш мақсадида ғарбнинг мустамлакачи давлатлари ва Америка уюштираётган қирғинлар натижасидир. Бу урушлар ва оммавий қирғинлар натижасида уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган одамлар тўлқини пайдо бўлди. Бу одамлар бошпана ва егани овқат тополмаяптилар. Нуфуз ва манфаат талашиб ўзаро курашаётган мустамлакачилар ана шу одамларга озиқ-овқат ва инсонпарварлик ёрдамларини шошилинч етказиб беришаётганини даъво қилишмоқда. Бу худди ҳайвонларни сўйишга тайёрлаш учун уларни ем бериб боқаётган кимсалар ҳолига ўхшайди.

Улар муаммо ва унинг ҳақиқий воқелиги ҳақида хато қилишганидек уни муолажа қилишда ҳам хато қилишди. Чунки улар товар ва хизматлар эҳтиёжларга нисбатан камдир, яъни товар ва хизматлар чеклидир. Шунинг учун чексиз эҳтиёжларни қондиришга етмайди. Демак муаммо ҳал қилинмай мавжуд бўлиб қолаверади, деган фикрни билдиришди. Бу хато эса масалани янада хато муолажа қилишга олиб келди. Улар турли хато йўлларни тутишди, уларнинг бутун ҳаракатлари товар ва хизматларни кўпайтиришга, янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилди. Бу товар ва хизматларга ҳаммининг қўли етиши учун, яъни бозорда мўл-кўл бўлиши учун

шундай қилишди. Уларни харид қилишга ҳамманинг кучи етадими ёки кўпчиликнинг ёки баъзиларнинг қурби етадими, бундан кўз юмишди. Улар ҳамма кишиларнинг эҳтиёжларини тўла қондириш йўлларини излашмади. Чунки улар бунинг иложи йўқ, деб ҳисоблашади. Шунинг учун улар бозорга кўп миқдордаги товар ва хизматларни чиқаришди. Мулк эркинлиги ва меҳнат эркинлиги қондаси ҳар бир шахснинг эмас, балки одамлар мажмуаси эҳтиёжларини қондириш имконини беради, деган ўйда шундай қилишди.

Жамиятда, одамлар орасида товар ва хизматларни кўпайтириш бир нарса бўлса, уларни тақсимлаш бошқа нарса эканлиги уларнинг ҳаёлига келмади. Зеро товар ва хизматларни кўпайтириш, ўстириш, бозорда мўл-кўл бўлишини таъминлаш уларнинг воқеси ва моҳияти ҳақидаги баҳс бўлиб, бу жиҳатни иқтисод илми (фани) ўрганadi. Иқтисод илми билан иқтисодий низом ўртасида эса жуда катта фарқ бор. Чунки товар ва хизматларни, бошқа манфаатларни жамият аъзоларига тақсимлашни иқтисодий низом ҳал қилади. Иқтисодий низом – воқеликни тушунишга ва муаммони ҳал қилишга тааллуқли фикрлар ва ҳукмлардир. Яъни муаммони тушуниш ва ҳал қилиш учун фикр ёки ҳукмни шу муаммо воқелигига солиб кўришдир. Бинобарин, бу низом ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назардан келиб чиққан бўлиши керак. Натижада у хос бўлиб қолади. Чунки у уммат ақидасига ва унинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи-назарига боғлиқдир.

Иқтисод фани эса умумий ва оламшумул бўлиб, модда ҳақида, уни замонавий технология воситалари бўйича таҳлил қилиш, кўпайтириш ва ўстириш ҳақида баҳс юритади. У Америкада, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқаларда бир хилдир. Иқтисод фани билан иқтисодий низомни бир-бирига аралаш-қуралаш қилиб юборишлари оқибатида улар муаммони янада чигаллаштириб юборишди. Яъни улар манфаатлар ва хизматларни жамият аъзоларига тақсимлашни илмий изланишга, яъни тажрибавий изланишга топшириб қўйишди. Улар бу тўғрида муваффақиятга эришдик, деб ҳисоблашди. Чунки улар бозорлар рақобат ва очкўзлик асосида товарлар, хизматлар, қондириш воситалари, саноат маҳсулотлари билан тўлиб кетганини кўришди. Шуларнинг барчасидан кейин улар «туяни игна тешигидан ўтказишмоқчи» бўлишди. Улар мулк эркинлиги ва хабардор бўлиш эркинлиги бу бойликлар, манфаатлар ва хизматларни жамият аъзолари мажмуасига тақсимлашнинг кафолатидир, дейишиб, салбий муолажалар йўлига ўтишди. Бу муолажалар ёрдамида шу иқтисодий муаммони ҳал қилмоқчи бўлишди. Бундан олдин улар аҳолининг ўсиши ёки демографик муаммо, деб аташган нарсага дуч келишган эди. Улар аввало чигал демографик муаммони ҳал қилмай туриб, иқтисодий муаммони ҳал қилишнинг иложи йўқ, деган фикрни билдиришди.

Машхур назария муаллифи Мальтус бундай дейди: «Инсоннинг насл қолдириш қудрати ернинг инсон ҳаёти учун зарур бўлган маҳсулдорлик қудратидан кўра каттароқдир». Шунинг учун Мальтус аҳолининг ўсиб бориши нисбати озиқ-овқатнинг кўпайиб бориши нисбатидан фарқ қилади, деган хулосага келди. Чунки аҳоли, унинг фикрича, тўсқинликлар бўлмаганида геометрик прогрессия бўйича ўсиб боради. Яъни ҳар 25 йилда икки баробар ўсиб боради. Айти пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари монеликлар бўлмаганида арифметик прогрессия бўйича ўсиб боради, яъни худди шунча муддат ичида худди шунча миқдорда ўсиб боради. Ўсиб бориш нисбати қуйидагича бўлади:

Аҳоли – 1-2-4-8-16-32-64-128-256

Озиқ-овқат маҳсулотлари – 1-2-3-4-5-6-7-8-9

Масалан бир аср ичида аҳоли сони 16 баробар кўпайса худди шунча муддат ичида озиқ-овқат маҳсулотлари беш баробар кўпаяди, холос. Шундан кейин Мальтус «зарурат қонунияти» деган хулосага келди. Бу қонуният икки куч ўртасида тенгликни автоматик равишда вужудга келтириш учун бу муаммони ҳал қилиб беради, деб билади. Бунинг тафсилоти қуйидагича:

Инсон овқатсиз яшай олмайди, шунинг учун агар аҳоли сони озиқ-овқат кўпайиб бориши нисбатидан кўра каттароқ нисбат билан ўсадиган бўлса табиат аралашиб зарурат қонуни ўз ишини қилиши даркор бўлиб қолади. Бунда очарчиликлар юз беради, вабога ўхшаган касалликлар кенг тарқалади, туғилган болаларнинг саломатлиги ночор бўлади, урушлар бўлади. Бу эса аҳоли сонини озиқ-овқат маҳсулотлари йўл қўядиган чегарагача камайтиради.

Аҳоли сони билан озиқ-овқат ўртасидаги тенглик инсон иродасига боғлиқ бўлмаган вафот этишлар кўрсаткичидаги ўзгаришлар орқали автоматик тарзда амалга ошади. Демак инсон аҳоли сони билан озиқ-овқат маҳсулотлари ўртасидаги нотенглик муаммосини озиқ-овқат маҳсулотлари жиҳатидан эмас, инсоний элемент жиҳатидан ҳал қилинишига дуч келади.

Демак улар салбий тадбир чоралар кўриш йўлига ўтиш иқтисодий муаммони ҳал қилишга ҳисса қўшади, деб билишади. Шунинг учун урушларнинг бўлиши, кеч уйланишлар, наслни камайтириш зарур дейишади. Буни жуда оз бола туғилиш даражасини сақлаб қолиш, қинғир йўллар билан ва махфий тарзда буюриб мумкин қадар кўпроқ гўдакларни нобуд қилиш орқали гуноҳ йўлига ўтиш билан, қолаверса ҳомиладорликка йўл қўймайдиган дориларни бепул тарқатиб, уларни истеъмол қилишга қизиқтириш, мукофотлар бериб бўлса ҳам бола туғишларни камайтириш, айниқса камбағал оилаларда, қолақ жамиятларда ва ривожланаётган жамиятларда шундай йўл тутиш билан амалга оширилади. Шунингдек улар вабо касалликларининг ва

бошқа қўрқинчли касалликларнинг тарқалишида табиатнинг муҳим роли бор, деб билишади.

Бу ерда муаммони салбий жиҳатдан ҳал қилишга ёрдам берадиган бошқа омиллар ҳам бор. Жумладан зилзилалар, сув тошқинлари, бўронлар, қор кўчкилари каби табиий фалокатлар бор. Уларнинг фикрича, бу омилларнинг барчаси аҳолининг тез ўсиб боришини камайтириб, иқтисодий муаммони ҳал қилишга ёрдам беради.

Масалан табиий фалокатлар қанча инсоннинг ёстиғини қуритмади дейсиз!! Эрон, Афғонистон, Россия, Туркия, Мексикада рўй берган зилзилаларда қанчадан-қанча одамлар қурбон бўлди. Бангладеш, Шимолий Европанинг айрим минтақалари ва АҚШдаги сув тошқинлари, бўронлар ва қор кўчкилари чоғида қанчадан-қанча одам ҳалок бўлиб кетди. Ҳиндистонда ва ҳаж мавсумида Маккаи мукаррамада қанчадан-қанча одам ҳалокатли жазирама иссиқда нобуд бўлди.

Уларнинг фикрича бу фалокатларнинг барчаси икки куч: Мальтус назарияси бўйича аҳоли ўсиши кучи билан озик-овқат ўсиши кучи ўртасидаги тенгликни автоматик тарзда вужудга келтиришда ёрдам берувчи омилдир.

Бу ерда Кембридж университетининг тарих ва сиёсий иқтисодий профессори бўлган бу инглиз пастори (руҳонийси) Мальтуснинг яна бир экстремистик фикри ҳам бор. Чунки унинг айтишича: Инсон жинсий ғаризасидан насл қолдиришдан қочиб, уйланмай (яъни никоҳсиз) қондириш йўлини тутиши керак эмиш. Ваҳоланки, унинг ўзи уйланган ва икки қиз билан бир ўғилни дунёга келтирган.

Улар илмий назариялар ва технологик воситаларга мурожаат қилишиб, бу иқтисодий муаммо шу назариялар ва воситаларни татбиқ этиш билан ҳал бўлади, деб ҳисоблайдиган бўлишди.

Мулк эркинлиги ва меҳнат эркинлиги принципига тақсимлашнинг кафолати деб мурожаат қилишлари эса уларнинг қаршисида муаммони янада чигаллаштирган бошқа эшикларни очиб берди.

Мулк эркинлиги принципи мулкчиликни тартибга соладиган чекловларни йўқ қилишни англатади. Яъни улар жамиятда иқтисодий мувозанатни пайдо қиладиган омилларни синдириб ташлашди. Оқибатда ҳийлаи-найранглар ва қинғир услублар борасида устамон бўлиб кетган очкўз кимсалар ва монополистлар тизгиндан бўшалиб, ўз бойликлари ва пулларини зўр бериб кўпайтиришга киришишди. Натижада жамиятларда ҳаддан ортиқ бойлар ва ўта қашшоқлар пайдо бўлди. Миллиардерлар, йирик мулкдорлар пайдо бўлди. Ахлат титкилаб кун кечирадиган одамлар ҳам пайдо бўлди. Буларнинг барчасига сабаб муаммо иқтисодий низом билан эмас, балки иқтисод илми воситасида, мулкчилик кайфиятини ва бу мулкни тасарруф қилиш кайфиятини тартибга соладиган қатъий фойдалар ва тушунчалар билан эмас, балки мулк эркинлиги ва меҳнат эркинлиги билан муолажа қилингани бўлди.

Улар жамиятга мувозанат принципини татбиқ этишни эътиборсиз қолдиришди ва уни рад этишди.

Жамиятда мувозанатни пайдо қилиш қоидаси:

Мол (пул)нинг бир ҳовуч бойлар ўртасидагина айланишига йўл қўймаслик, молни хазина қилиб босиб ётишнинг ҳаромлиги, омма мулкининг чегаралари ва бу мулк тақсимланадиган жиҳат, ишга ярамайдиган кишиларга ёрдам бериш ва муҳтожни етарли таъминлаш қоидаларини ишлаб чиқиш, бойларнинг молларида камбағал ва мискинларга бериладиган ҳақни фарз қилиб белгилаб қўйиш, рибони, алдов, фирибгарликни, монополияни ҳаром қилиш каби ҳукмлар бўлиб, бу ҳукмлар жамиятда мувозанатни пайдо қилади ва табақаланишга йўл қўймайди. Улар бу мувозанат қоидасини эътиборга олишмай уни рад қилишди. Чунки бу қоида улардаги асосий қоидалар бўлмиш тўрт эркинликка ва энг аввало эркин иқтисодга зид келади.

Уларнинг иқтисод илми билан иқтисодий низомни аралаш-қуралаш қилиб юборишгани шундоқ кўриниб турибди. Бунинг оқибатида иқтисодий низом иқтисод илмига қўшилиб йўқ бўлиб кетди. Энди уларнинг манфаатларга жамият асосланиши лозим бўлган тарзда эмас, қандай бўлса шу ҳолда хато қарашларига келсак, бу ҳақда қуйидагиларни айтамыз.

Уларнинг фикрича, хоҳланадиган барча нарса манфаатдир. Демак, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматларни, яъни манфаатларни кўпайтириб истеъмолчилар истакларига жавоб беришлари лозим. Истеъмолчилар шу манфаатлар билан ўз эҳтиёжлари ва истакларини қондиришади. Бу манфаатлар ароқ бўладими ё наша ва афюн бўладими, бунинг фарқи йўқ. Бу хизматлар, дискотекалар ёки тубан томоша ва қўшиқ шоулар бўлишининг ёки фоҳишахоналар бўлишининг фарқи йўқ.

Бундай истак-хоҳишлар соҳиби бўлган шахслар ва уларга ўхшаган кимсалар ўз жамиятларининг бир қисми ҳисобланади, яъни уларни ўз жамиятларида яшашлари уларга шундай бир доирани шакллантириб берадики, улар жамиятни шакллантирадиган фикрлар жиҳатидан ҳам ёки шу жамиятни тартибга соладиган алоқалар жиҳатидан ҳам ана шу доирадан чиқишмайди. Шунга биноан демак жамият ўз фикрлари ва низоми билан ўз аъзоларига яшаш тарзини ва алоқалар турини белгилаб беради. Буларнинг барчаси жамиятнинг ақидаси ва нуқтаи назаридан келиб чиқади. Унинг аъзолари шу ақида ва нуқтаи назарга эътиқод қилишади. Демак бу билан ҳеч ҳам яқинлашмаслик шарт бўлган тақиқланган нарсалар борасида ҳам, қаттиқ амал қилиш ва муҳофаза қилиш шарт бўлган асослар борасида ҳам ўзаро келишиб олинган бўлади. Бу жамиятнинг қайсидир аъзосининг бу асослардан чиқиб кетиши ёки ана шу

тақиқларни бузишга журъат қилиши ҳаёт тарзидан чиқиб кетиш, алоқаларни емириш ва жамиятни бузиш демакдир.

Шунингдек кишиларнинг тақиқланган манфаатларни – уларни хоҳловчи кишилар бор, деган ҳужжат билан – ишлаб чиқариши ҳам бу доирани синдириш ва бу вужудни, яъни одамлар, фикрлар ҳамда туйғулар, алоқалар (низом)дан ташкил топадиган жамият вужудини емириш ҳисобланади. Шунингдек у бу бинонинг пойдевори бўлган ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарни менсимаслик ҳамдир.

Сиҳат-саломатликка зарар етказса ҳам ёки ахлоқни бузса ҳам ёки қонунларга хилоф бўлса ҳам хоҳловчиларга ёқадиган манфаатларни ишлаб чиқариш ўрнига, ғарб иқтисодининг бундай манфаатларни ишлаб чиқаришига йўл қўйиш ўрнига энг аввало уларни ишлаб чиқараётган кимсаларни тийиб қўйиш, кейин эса шу маҳсулотларни истеъмол қиладиганларни тийиб қўйиш зарур.

Аммо иқтисодчиларни мутлақ эркига қўйиб қўядиган бўлсак, улар исталган нарсани ишлаб чиқариш ва исталган нарсани истеъмол қилиш борасида бундай қарорларни ўз билганларича қабул қилаверишса, бу жамиятни емириш, қийматларни поймол қилиш, олий идеалларни йўққа чиқариш ва инсон иззат-ҳурматини менсимаслик демакдир.

Қиймат ва унинг икки турга бўлиниши

Ғарб иқтисодчилари қийматни икки турга бўлишади: истеъмол қиймати ва айирбошлаш қиймати. Яъни қиймат ҳақиқий эмас, нисбийдир. Бу тақсим (бўлиш) нисбий бўлиб, қиймат воқесига тўғри келмайди, яъни у қиймат воқесини таъриф ва тавсиф қилиб беролмайди. Чунки у истеъмолчига нисбатан таърифланаётган қиймат ва айирбошлашга нисбатан, яъни бир товарни бошқа товарга айирбошлашга нисбатан таърифланаётган қиймат бўлиб қоляпти, холос. Хўш, бу таъриф қиймат воқесига тўғри келадими? Яъни бу ҳақиқатдан ҳам қиймат воқесини акс эттирадими? Тўғриси шуки, бу таъриф хатодир ва воқега хилофдир. Чунки қиймат шундоқ гавдаланиб турган ўзгармас ҳақиқий нарсадир, бунинг изоҳи қуйидагича: Ишлаб чиқарилган нарсанинг, яъни товар ёки хизмат қийматининг ҳақиқати шу товар ёки хизматдаги манфаат миқдори билан ўлчанади. Шу билан бирга, тақчиллик омили ҳам ҳисобга олинади. Бу манфаат миқдори бир хусусият бўлиб, бу хусусият нарсада мавжуд бўлса уни истеъмол учун яроқли қилиб қўяди.

Биз хосият эмас, хусусият деган сўзни ишлатдик. Зеро, биз нарсаларни, яъни товар ва хизматларни улардаги манфаатларни истеъмол қилиш учун олар эканмиз, бу нарсаларни улардаги манфаатларга қараб тартиблаштириб чиқамиз. Бунда илмий фактлар ва лабораториялардаги янги кашфиётлар ҳамда протеинлар ва витаминларнинг кашф этилиши, организм талаб қиладиган моддаларни крахмал, ёғ ва шакарга бўлиб чиқиш каби бошқа кашфиётлар ёрдамига

таянамиз. Мана шу кашфиётлардан кейин биз картошка уруғидаги нарса помидор уруғидаги нарсадан ва тухумдаги нарсадан бошқа эканини аниқ сеза бошладик. Арпадаги нарса буғдойдаги, гуручдаги ва сулидаги нарсадан бошқа эканини ҳам сеза бошладик. Юзлаб ва минглаб турдаги товарлар, юзлаб турдаги хизматлар ҳам худди шундай. Масалан, кичик автомашина билан транспорт хизмати кўрсатиш автобус ёки катта автобус ёки самолёт билан транспорт хизмати кўрсатишдан бошқадир. Физика дарслиги бўйича ўқитиш бошқа, математика ёки тарих ва бошқа дарсликларни ўқитиш бошқадир. Бино қурувчи ишчи бошқа, газлама ишлаб чиқарувчи ишчи бошқадир, кўчаларни тозаловчи ишчи ҳам бошқа, компьютернинг профессионал мутахассиси бошқа, ер геологияси бўйича ёки сув бўйича мутахассис бошқа. Бу мутахассисликлар жуда хилма-хилдир. Шунинг учун агар буларнинг ҳаммасини алоҳида-алоҳида олсак, уларда бошқасидан ажратиб турадиган бир хусусият борлигини, манфаат шу хусусият замирида ётганини кўрамиз. Қиймат шу хусусият асосида белгиланади. Бинобарин, бу хусусиятнинг истеъмолчига таъсири бор бўлиб, истеъмолчи уни қидиради ва талаб қилади, уни топганида муайян оромни ёки лаззатланишни, маза қилишни ҳис қилади. Демак, хусусият манфаат билан муайян истеъмолчи ўртасидаги алоқадир.

Масалан, ифтор дастурхонига ўтирдик дейлик, биттамыз пиёзнинг бошини тановул қила бошлади, яна биримиз редиска бошини, учинчимиз эса қалампир учини тановул қила бошлади, бошқа биримиз эса ёғ борми, деб сўраб қидира бошлади, шундай қилиб ҳар ким ўз таъбига тўғри келадиган хусусиятни қидириб уни мана шундай турли нарсаларда топади. Болалар устида тажрибалар ўтказилди. Уларни кўпгина хилма-хил таомлар бор ошхонага олиб киришди. Бир бола бир турдаги таомни бирор миқдорда тановул қилди, бошқа бола эса бошқа турдаги таомни бошқа миқдорда тановул қилди. Текшириб ўрганилганидан кейин ҳар бир бола ўз организмида етишмаган нарсани хоҳлаши аниқланди. Бир мунча вақтдан кейин болалар истеъмол қилаётган нарсаларнинг, хусусан, нон, мевалар каби турларнинг ўзаро яқинлиги аниқ бўлиб қолди.

Улар «чекли-чегарали манфаат» деб аташадиган нарсага келсак, улар манфаатни тушунтиришда хато қилишиб, қондириш ниҳоясига етган чегара, деган фикрга аста-секин келишди. Улар бундай дейишди: Биз ҳозир қиймат маъносини аниқ айта оламиз, яъни қиймат – қондириш ниҳоясига етган чегарада, қондиришда иштирок этган товар бирликларининг охиргисида бўлади.

Энди шундай савол ташлаймиз: Биз қондиришни бошлаган биринчи бирликдаги мавжуд манфаат қондириш тамомига етган охирги бирликдан фарқ қиладими? Аниқроқ айтадиган бўлсак: «А» бирликдаги мавжуд манфаат қондириш ниҳоясига етган «Б»

бирликдаги мавжуд манфаатдан фарқ қиладими? Яъни биз қорин очлигини қондиришни бошлаган биринчи бурда нон қондириш тамомига етган учинчи бурда нон манфаатидан фарқ қиладими? Бирор товарнинг бирликлари – бу товар қанчалик кўп бўлмасин – бир-биридан қачон фарқ қилади? Буни аниқроқ тушунтириш учун ушбу мисолни келтирамиз: Бир новвой бир кунда ўн минг нон ёпса бу ноннинг манфаати мана бу ноннинг манфаатидан бошқача, деб айта олишимиз учун бу нонлар ўртасида фарқ борми?

Биз уларга шундай деймиз: Улардаги тасаввур тамоман тескаридир. Чунки бўладиган иш шуки, қорни оч инсоннинг иштаҳаси ейишни бошлаган пайтда кучли бўлади. Демак бу инсон наздида биринчи ноннинг аҳамияти катта бўлади. Чунки у билан очлик босилади. Қондиришни бошлаган оч одам учун муҳими шудир. У битта нон едими ёки ўнтами, унинг учун муҳими шу, яъни очликни босишдир. Биринчи нондан тортиб ўнинчи, эллигинчи нонларгача ҳаммаси баробардир, улардаги манфаат бир хилдир. Улар шуни айтишлари керак эди. Лекин бундай дейиш ўрнига улар аҳамиятни нонда қилиб қўйишди. Ваҳоланки аҳамият (яъни муҳими) аслида нон тановул қиладиган киши наздидаги нарса эди. Шунга кўра демак улар «чекли манфаат» деб аташадиган нарсанинг ўзи йўқ.

Улар бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни иштагани учун мувофиқлаштирувчи тадқиқотлар ўтказишларига тўғри келди. Маҳсулотлари талабга жавоб бера олиши учун, маҳсулотлардан катта қисми бозорда касодга учрамаслиги учун ва фойда келтирадиган нархни қўя олишлари учун шундай тадқиқотлар ўтказишларига тўғри келди.

«Чекли мафаат» назарияси аслида улардаги нарх назариясидир. Ишлаб чиқаришни муайян нуқтада концентрациялаш (тўплаш) учун ана шу нуқтада маҳсулот доим истеъмол талабларига жавоб бериши, ишлаб чиқариш харажатларини қоплайдиган нархда бўлиши ҳамда оддий бозордаги эркин ва тўлиқ бўлмаган рақобатлар ёки монополиялардан йироқда доим мақбул фойданинг бўлиши таъминланади.

Энди бозор уларнинг маҳсулотларидан бўшаб қолиб ёки бозорда бу маҳсулотлар етишмай қолиб, нарх қанча кўтарилмасин талабнинг кучайишига сабаб бўлишига тўхталсак, у нарса оддий бозорларда юз бермайди. Чунки улар бутун эътиборларини зўр бериб маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратишади ва уларнинг ҳамма тадқиқотлари ишлаб чиқариш сари йўналтирилган. Улар фақат бозор товарлар билан тўлиб кетишидан қўрқишади, холос. Чунки бу нарса товарларнинг касод бўлишига ва уларга бўлган талабнинг сусайишига олиб келади. Бундан улар зарар кўради ва ҳаётдаги ишларга оид ўлчовлари бўлган манфаатпарастликларига шикаст етган бўлади.

Демак чекли манфаат аслида ўз эҳтиёжларидан бирини қондириш учун бирор товар бирлигини истеъмол қилаётган киши наздидаги аҳамият чегарасидир. Товар бирликларининг ўзига келсак, уларнинг барчаси баробардир, уларнинг манфаати бир хилдир, аслида шундай. Лекин уларни ана шу хато изоҳлашга ва воқега зид бўлган таъриф беришга олиб келган нарса – ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва кўпайтириш, шу билан бирга ўзларининг бойликларини ўстириш ва даромадларини кўпайтириш учун фойда келтирадиган нархларнинг сақланиб туришини таъминлаш борасида тадқиқотлар ўтказишга зўр беришгани бўлди.

Ана шундан кейин ва шу мақсадда улар бу тўғридаги тадқиқотларини кенгайтиришди ва унга янада кўпроқ аҳамият бера бошлашди. Улар янги бозорларни излаб ўз мамлакатлари ҳудудларидан ташқарига чиқишди ва минтақаларда ўз нуфузларини пайдо қилишди. Бу минтақалар уларнинг маҳсулотлари ўзлари қўядиган нархларда сотиладиган тайёр бозорлар бўлиб қолди. Шунингдек ўша тадқиқотлар уларнинг қаршисида бу курашда янада аҳамиятлироқ бўлган бир соҳани очиб берди. Бу соҳа ўша нуфуз минтақаларида ҳайратга солувчи хом ашёларнинг мавжудлигидир. Натижада бу минтақаларни мустамлакага айлантирилди, урушлар бўлди.

Бу мустамлакачи давлатлар инвесторларни ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилди, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилди. Бу давлатлар шунингдек ўз инвесторлари инвестицияларини кафолатлашга ва уларнинг фойда кўришларини таъминлашга ҳам ҳаракат қилди. Ҳатто улардан арзимас миқдорда солиқ ва бож тўловлари олинадиган бўлди.

Мана бу гигант ширкатлар, иқтисодий гуруҳлар, молиявий бозорлар, савдо биржалари бутун олам учун бир фалокат ва муқаррар ёмонлик бўлиб қолди. Улар урушлар, ирқий низолар ва чегара низоларини сунъий равишда келтириб чиқаришиб, авж олдира бошлашди. Бу урушлар ва низолар оловини авж олдириш учун қурол-аслаҳаларни ва бошқа нарсаларни муҳайё қила бошлашди. Ўзларининг корхоналари узлуксиз ишлаб туриши учун шундай қилишди. Масалан автомашина чиқарадиган корхона саксон миллиондан кўп автомашина чиқарди. Бошқаларни шунга қиёс қилиб кўраверинг.

Демак қиймат нисбий нарса эмас, ўзгармас ҳақиқий нарсадир. Яъни у ўзгармас ҳақиқат бўлиб, унинг гавдаланиб турган воқелиги бор. Бу ҳақиқат нарсадаги манфаат миқдоридир. Шу билан бирга тақчиллик омили ҳам ҳисобга олинади. Келинг энди тақчиллик омилини ҳисобга олиш, деган жумлага тўхталайлик. Тақчиллик

омили товар нархининг кўтарилиши ва пасайишига таъсир қилади, лекин товар нархини белгилаш асосига таъсир қилмайди. Яъни товарнинг бозорда оз ёки кўп бўлиши унинг нархи бўлиши ёки бўлмаслигига таъсир қилмайди. Чунки товарнинг оз бўлиши унга нарх қилиб бермаганидек кўп бўлиши ҳам уни нархсиз қилиб қўймайди. Аксинча товарнинг нархи бўлиши ёки бўлмаслиги унинг озлиги ёки кўплигига эмас, балки ундаги манфаатга боғлиқдир.

Демак нарсанинг қиймати ундаги манфаат миқдоридир. Бунда бу нарсанинг кўплиги ёки озлигининг эътибори йўқ. Шунингдек унинг тақчил бўлиши унинг нархини белгилашдаги бир қисм (омил) ҳам эмас, лекин товарнинг озлиги унинг нархини кўтариб юбориши, кўплиги эса нархини тушириб юбориши боис тақчиллик омилини ҳисобга олмай илож йўқ. Лекин бунинг нархни белгилашдаги бир қисм, деб эътибор қилмасдан ҳисобга олинади, холос.

Демак ҳақиқат шуки, нарсанинг қиймати шу нарсадаги манфаат миқдоридир. Шу билан бирга унинг нархини белгилаш вақтида тақчиллик омилини ҳам ҳисобга олинади. Лекин бу омилни нархни белгилашдаги бир жуз (қисм), деб ҳисобланмайди. Бу билан эса эътибор нарсадаги манфаат миқдorigа қаратилган бўлади ва бу миқдор нархни белгилашда асос бўлади.

Энди бир товарни бошқа товар ёки хизмат билан айирбошлаш вақтидаги қийматга келсак, агар бу товарнинг манфаати бошқа бир товар ёки меҳнатнинг манфаати билан белгиланса тўғри белгилаш бўлади ва қисқа муддат давомида ўзгармай туришга яқинроқ бўлган белгилаш бўлади. Бу ишга эса барча замонда одамлар ўзаро келиша олишади. Тажрибали савдогарлар туфайли шундай бўлади. Чунки бу савдогарларни худди нарх (пул) билан савдолашаётгандек бунда (айирбошлашда) аниқ савдолашаётганини кўрамайди.

Масалан улар узумни зайтунга, анжирни ловияга, ошқовоқни ёгга айирбошлаш қилардилар, ўзларига зарур нарсаларни пул ўрнига буғдой, маккажўхори ва тухум бериб сотиб олардилар. Уларнинг бу нарсалар манфаатларини белгилашлари ва бирини бирига айирбошлаш қилишлари тўғрилиқка яқин эди.

Буларнинг барчаси товардаги манфаат миқдори устига қурилгандир. Демак товардаги манфаат миқдори товар нархини белгилашда ўз ҳукмини ўтказди. Бинобарин манфаат миқдори мол ва меҳнатдаги ўлчов бирлиги бўлади.

Лекин товар ёки хизмат нарх билан белгиланса ҳақиқий эмас, эътиборий (нисбий) белгилаш бўлади ва бунда бозорга қараб ҳамма вақт ўзгаришга яқин бўлади. Бу пайтда унинг қиймат эканлиги бекор бўлиб унинг воқесига қиймат лафзи тўғри келмай қолади. Аксинча у товардаги манфаатга қараб эмас, бозорга қараб пул топиладиган бир қуролга айланиб қолади.

Демак манфаат товар ёки меҳнатнинг ўлчов бирлигидир. Нарх эса айирбошлаш ўлчови бўлиб, мол ва меҳнатга бевосита қўйилади. Товарга нарх белгиланса, меҳнатга иш ҳақи берилади. Қиймат билан нарх ва иш ҳақи бошқа-бошқа нарсалардир. Чунки қиймат ўзгармайди. Нарх ва иш ҳақи эса ўзгариб туради.

Нарсени унинг кўп ёки тақчиллигидан қатъий назар манфаат белгилайди. Товардаги белгилаш унинг миқдорини бошқа товар ёки пул ёки хизматга нисбатлаш билан бўлади. Бу билан эса эътибор товар ёки хизмат ёки пулдан иборат амалий бадал (айирбошлаш қилинадиган нарса) миқдорига қаратилган бўлади.

Масалан бир соъ буғдой қийматини икки соъ арпа манфаати билан белгилаш. Бу қиймат арпа кўп ёки тақчил (кам) бўлишидан қатъий назар ўзгармайди. Шунингдек буғдой кўп ёки тақчил бўладими бундан ҳам қатъий назар, ҳатто арпа нархи буғдой нархидан қиммат бўлган тақдирда ҳам бу қиймат ўзгармайди. Чунки тақчиллик нарсадаги манфаатни белгилашнинг бир жузи эмас, лекин у қийматни белгилашда ҳисобга олинади. Ўз ҳаётимиз воқелигидан бир мисолни келтираман: Иккинчи жаҳон уруши чоғида похол нархи кўтарилиб буғдой нархидан икки баробар ошиб кетди. Тўп-тўп сотиб олиш ўрнига ўлчаб сотиб олинadиган бўлди. Ҳосил эгалари похолни савдогарларга сотиш пайтида похол вазнини ошириш учун билдирмай унга бир қанча буғдойни қўшиб қўядиган бўлишди. Бу «ўқлаб қўйиш» (алдаш) қабилидаги иш эди. Бу ишни ўзимиз кўриб гувоҳи бўлганмиз.

Лекин аслида буғдой қиймати похол қийматидан кўра – похол нархи қимматлаб кетган тақдирда ҳам – кўп баробар каттадир. Чунки нарх қимматлаши таклиф ва талаб жиҳатидан бозор билан боғлиқ. Аммо нарса қиймати қандай бўлса ўша бўйича қолаверади. Зеро қиймат – нарсадаги манфаат миқдоридир.

Нарх

Нарх жамиятнинг товарлар қийматини белгилашидир. Иш ҳақи эса жамиятнинг меҳнатлар қийматини белгилашидир. Пул эса шу белгилашни ифодалайдиган нарсадир. Пул шундай нарсаки, у бизга турли товарлар ва меҳнатларни қиёслаш (солиштириб ўлчаш) ва уларни битта асосга қайтариш имконини беради. Ана шунда турли товар ва меҳнатларни битта бирлик бўлган умумий ўлчовга қайтариш билан бу товар ва меҳнатларни бир-бирига солиштириш осон бўлиб қолади ва ана шу бирлик асосида товар нархини тўлаш ҳамда ёлланма ишчига иш ҳақини бериш жараёни кетади.

Демак пул бир товар бўлиб, турли мамлакатларда турли пул бирликларига келишиб олинган. Бу билан эса бу бирликлар нарса ва меҳнат манфаати қиёсланадиган ўлчов бўлиб қолади. Бу бирликларнинг айирбошлаш воситаси бўлишига келишиб

олингандир. Пуллар қиймати уларнинг харид қувватига, яъни инсоннинг бу пулларга қанча товар ёки меҳнатга эга бўла олишига қараб белгиланади. Шунга кўра демак жамиятнинг товар ва меҳнатлар қийматини белгилашини ифодаловчи нарсанинг харид қуввати бўлиши лозим. Ана шунда у пул бўлади, яъни ҳар бир инсон товар ва меҳнатларга эга бўла олишига восита бўладиган қувват бўлади.

Аслида унинг ўз ички қуввати бўлиши лозим ёки ўз ички қувватига таяниши лозим. Яъни унинг ўзи одамлар наздида эътиборли қийматга эга бўлиши лозим. Ана шунда у пул бўлади.

Бироқ бугунги кунда дунёдаги давлатларнинг пул чиқариши воқесига қарасак бу давлатларнинг баъзилари ўз пулларига ички қувватни қилиб берганини ёки пуллар ўз ички қувватига таянганини, айрим давлатлар эса бир нарсани ўзаро келишиб, пул қилиб қўйганини ва унга харид қувватини қилиб берганини кўрамай.

Масалан олтин ва кумушнинг ўз ички қуввати бор. Демак бу иккисининг ўзи пул бўлади. Шунингдек олтин ва кумуш пуллар таянадиган асос ҳам бўлади. Бунда олтин ва кумушдан анча миқдор эҳтиёт заҳира сифатида давлат хазинасига қўйилиб унинг муқобилида қоғоз пуллар чиқарилади. Бу пуллар ана шу эҳтиёт заҳирага таянади ва уни гавдалантиради. Бу пулларда уларни уларга тенг бўлган олтин ва кумушга алмаштириш кафолати бўлади.

Таклиф ва талабни, нархни ғарбликлар бозор кучлари, деб ҳисоблашади. Чунки ғарбликлар нархни таклифдан айри, деб билишмайди. Аслида нархнинг ўзи аҳамият қаратадиган ўрин эмас. Чунки уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга уни кўпайтириш ва узлуксиз кўпайтириш жиҳатидан қараб ёндашишлари бозорни – нархни назорат қилиш нуқтаи назаридан туриб назорат қиладиган бўлишларига олиб келди.

Бугун дунё гигант ширкатларда ва халқаро иқтисодий гуруҳлар ва иттифоқлар ҳомийлиги остида турли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига гувоҳ бўлиб яшамоқда. Бу ширкатлар ва гуруҳлар дунё бозорларига улкан миқдордаги маҳсулотларни чиқармоқда. Бу маҳсулотлар магазин, дўкон ва бозорларга сизмай кетди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўзаро тўқнашиб, бир-бири билан курашмаслиги учун ва бозорлар бу саноат маҳсулотларини мувозанатли шаклда қабул қилишини таъминлаш мақсадида улар комиссиялар ташкил қилиш йўлига ўтишди ёки тўғрироқ айтадиган бўлсак, уларда бозор конъюнктурасини, истеъмолчилар, товар ва хизматларни, қайси товар ва хизматларга талаб кўплигини ўрганиш билан шуғулланадиган махсус ширкатлар пайдо бўлди. Улар ҳар бир товар, ҳар бир шаҳар, ҳар бир бозорга оид аниқ ҳисоб-китобларни қилишди, маълумотлар тўплашди, миқдор ва рақамлар билан бозор

конъюктурасини ва товарлар истеъмолини белгилашди. Бу ширкатлар ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ширкатларни ва корхоналарни муайян тўлов эвазига ана шу маълумотлар ва рақамлар билан таъминлаб туради.

Улар сув ва электр энергия сарфини киловат соатлар ва куб метрлар билан ўлчашни жорий қилишганидек бозорлар ва уларда товарлар сотилиши, истеъмол миқдорига оид аниқ ўлчовни ҳам ишлаб чиқишди. Улар шу ўлчов ёрдамида бозорларда қанча турдаги мол борлигини, қанча миқдорда товар борлигини, қанчаси истеъмол қилинганлигини, қайсинисига талаб кўп, қайсинисига оз эканини ҳисоб-китоб қилишади. Бу ўлчов ва ҳисоб-китоблар натижалари бозорлар конъюктураси (улардаги аҳвол)ни ўрганишга қизиқувчи ширкатларга муайян тўлов эвазига тарқатилади. Айрим ширкатларда мутахассис вакиллар бор бўлиб, уларнинг вазифаси бозорларни кузатиб нима истеъмол қилинаётганини ва қилинмаётганини, яъни бозорда қайси товарга талаб борлигини, ана шу ширкатларнинг қайси маҳсулотларига талаб кучли ёки кам эканини ўрганишдир. Бу ширкатлар ўз саноат корхоналарининг доимий ишлаб туришини таъминлаш ва нархни сақлаб туриш учун ўз маҳсулотларини камайтириб ёки кўпайтириб туриши мумкин.

Улар «Нарх товар ва хизматларни жамият аъзоларига тақсимлашда рол ўйнайди. Нарх маҳсулот билан истеъмол ўртасида мувозанатни пайдо қилади. Таклиф ва талабни тартибга соладиган ҳам мана шу нархдир» деган якуний хулосага келишган.

Уларнинг айтишича нарх сабабли: нарх механизми сабабли бозорларда таклиф билан талаб мувозанатга келиб хотиржамлик ва барқарорлик ҳукм суради. Шу даражадаки, очкўзларга ҳам монополистларга ҳам ҳеч ўрин қолмайди. Бунинг муқобилида истеъмолчилар ўз ихтиёрлари ва истакларини «бўкиб» ҳам қолмай, маҳрум ҳам бўлмай автоматик тарзда барабар қондира оладилар, корхоналар тинимсиз ишлайверади, товар ташувчи транспорт воситалари юкларга лиқ тўлади, портлар уларга туширилган турли товарлар билан тўлиб тошади, энг катта халқаро даражаларда фаол иқтисодий ҳаракат кўзга ташланади. Бундан йирик инвесторлар кўнгли таскин топиб, худди кичик балиқларни ямламай ютиб юборадиган китлардек ўз монополиялари «тахтида» ястаниб ўтиришади.

Капиталистик мабда мана шудир. Эркин иқтисод ва ишлар ўлчови бўлмиш манфаатпарастлик мана шудир. Инсонга ва унинг эҳтиёжларига бўлган моддий қараш, моддий назария мана шудир.

Бир сўз билан айтганда динни ҳаётдан ажратиш ақидаси мана шудир.

